



ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ



ОГОҲЛИК ҚўНҒИРОҒИ

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олгани бежиз эмас. Бунинг оқибатида охириги 20 йил ичида ер юзида 4,5 миллиардга яқин одам йирик табиий офатлардан жабр чеккани, 1,2 миллион киши ҳалок бўлгани, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этганини тасдиқловчи маълумотлар бор.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашувига кўра иқлим муаммоларига кўпроқ мойилдир. Масалан, охириги 50–60 йил ичида минтақадаги

музликлар майдони 30 фоизга камайган. Ҳароратнинг 2 даража кўтарилиши музликлар майдонининг 1,5 баравар, 4 даража кўтарилиши 80 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин. Башоратларга кўра, 2050 йилга бориб сув ресурслари Сирдарёда 5 фоизга, Амударёда 15 фоизгача қисқаради. Ерларнинг деградацияси ва чўлланиши ҳам инкор этиб бўлмас масалалардан. Ўзбекистон ва қўшни давлатлар Орол денгизининг қуриши, унинг тубидан осмонга кўтарилган пестицидлик чангларнинг таъсиридан азият чекиб келаётганига анча бўлди.

Айни пайтда ҳавонинг бузилиши жаҳон миқёсидаги экологик муаммолардан бирига айланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада). ➤

НУҚТАИ НАЗАР

БИЗДАН ҲАРАКАТ...

Кимё фанлари доктори, профессор Рашид ҚУЛМАТОВ билан суҳбат

– Хабарингиз бор, Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги малакали олим сифатида суҳбатни ушбу ҳужжатга муносабатингиздан бошласак.

– Фармон нафақат Тошкент шаҳри, балки республикамиздаги экологик муаммоларни ечишга қаратилган тизимли ишларнинг пунктвал йўл харитасидир. Унда белгилаб берилган вазифалар ижроси таъминланиши натижа-сида пойтахтда экологик вазият барқарорлашиб, келгусидаги “хуруж”ларнинг олди олинади. Шу маънода, бу фақат реабилитация эмас, профилактика ҳам демек.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри ҳавосининг бу қадар ифлосланишига нима сабаб бўляпти? Бунинг жавоби ҳам айнан юқоридаги фармон бандларида ўз аксини топган. Яъни, чекловлар ва имтиёзлар турига қараб, атмосфера-га чиқарилаётган газлар, чанг, кул ва қурумлар манбасини аниқлаш

мумкин. Айримларини келтири-миз: автотранспорт воситалари, саноат корхоналари, иссиқхона-лар, қурилишлар...

Фикримча, электромобилларга ўтиш жараёнини тезлаштириш керак. Кўп мамлакатларда, ай-ниқса, Хитойда бунга эришил-ган. Масалан, ўн йил олдин Пе-кин дунёдаги атмосфераси энг ифлос шаҳарлардан бири эди. Яқинда Хитойда илмий сафарда бўлдим – ижобий ўзгариш бор. Эътибор берсам, йўлда деярли юз фоиз электромобиллар ҳа-ракатланмоқда. Бизда ҳам ушбу автоуловларга қизиқиш ортиб борапти. Менимча, уй олиш учун берилаётгани сингари электро-мобиль хариди учун ҳам субси-дия жорий қилиш мумкин.

Бунда аҳолидан ҳам ҳаракат лозим. Имкон қадар шаҳар ичида жамоат транспортларидан фой-даланиш керак. Эсласангиз, ка-рантин даврида транспорт қатно-ви кескин чекланган эди. Ўшанда ҳаво шунчалик тозаланганки, Тош-кент атрофидаги тоғлар, осмонда-ги юлдузлар ҳам равшан кўрина бошлаган.

– Домла, бу йўлда ҳам, албат-та, илм-фан ёрдами ва олимлар

хизмати зарур. Фармонда Ўз-бекистон Фанлар академияси бежиз қайд этилмаган. Бугун қайси мавзуларда илмий изла-нишлар олиб бораёсиз?

– Шогирдларимиз билан олиб бораётган илмий ишларимиз мав-зуси – иқлим ўзгаришлари ва сув ресурслари бўйича. Ўзбекистон-нинг йирик дарёлари, уларни му-ҳофаза қилиш ва соф ҳолда сақ-лаш бўйича ҳозирда уч шогирдим докторлик диссертацияси устида ишлаяпти.

Бундан ташқари, суғорила-диган ерларнинг деградацияси, шўрланиши масалалари устида Сирдарё, Жиззах, Навоий ви-лоятларида бир неча йил давоми-да илмий тадқиқотлар ўтказдик. Жуда яхши илмий натижаларга эришдик, хулоса ва таклифларни тегишли ташкилотларга тақдим этдик. Қувонарлиси, ҳозир улар амалиётда қўлланиляпти. Ерлар-нинг шўрланиши Ўзбекистон учун жуда катта муаммо. Айниқса, Қо-рақалпоғистон Республикаси, Хо-разм, Навоий, Сирдарё вилоятла-рида ҳосилдорлик 30–50 фоизгача камайиб кетади.

(Давоми 2-саҳифада). ➤

ФАКТ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Олимпиадасининг тантанали очилишида иштирок этди.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Синдаров Жавоҳир Санжарбековичга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонини бериш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Греция, Индонезия, Латвия, Франция, Россия, Япония ва Тожикистоннинг фавқулудда ва мухтор элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ҳудудда янги ташкил этилган ижтимоий-иқтисодий объектлар, шунингдек, Спорт гимнастикаси мактаби фаолияти билан танишди.

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

ЖАВОҲИРГА



Темурбекдан мерос юриш – наводир, Тафаккур жангида рутбанг – баҳодир. “Бобосига тортган ақли” дегайлар, Сенинг етмиш етти пуштинг даҳодир.

Ҳинд сори юзланиб, юзинг оқ бўлди, Кимгадир “ваҳ!” бўлди, кимга “оҳ” бўлди... Юртбоши лафзидан янгради хабар, Ўзбекистон узра хуш титроқ бўлди.

Бизга музаффарлик руҳи ярашгай, Бўламан деганга Худо қарашгай. Алпомиш давридан келаётган йўл: Мард майдонда элин орин талашгай.

Сенга тутганимиз гулмас, юракдир, Уч минг йиллик лашкар мудом тиргадир. Давлатчилик қурган халқдаги удум: Жавоҳирга заррин бир тож керакдир!

Отабек БАКИРОВ

ТАҚДИМОТ

ҚОДИРИЙГА ҚАЙТИБ...



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўзбек янги адабиётининг асосчиси Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Танланган асарлар” тўпламининг тақдими бўлиб ўтди. Илмий-адабий ва тантанали руҳда ташкил этилган анжуманни кутубхона раҳбари Умида Тешабоева очиб бераркан, улуғ адибимиз қолдирган ўлмас мероснинг умуммиллий маданиятдаги ўрни ва бу каби маърифий учрашувларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада). ➤

26 НОЯБРЬ – ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН



ТАРИХИЙ ТАЪРИХ

Тарихдан маълумки, XX аср бошида большевиклар Россияда ҳокимият-ни қўлга олгач, Халқ комиссарлари советининг дастлабки ҳужжатлари – Сулҳ ва Ер ҳақидаги декретлардан сўнг, “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси” эълон қилинган ва унда “Россия халқларининг ажралиб чиқиш ва мустақил давлат ташкил этишгача бўлган ўз тақдирини ўзи бел-гилаш ҳуқуқи” ҳам белгиланган эди. Хўш, бу ҳужжатга ишониш мумкинми-ди? Ўша даврда бунга ишонганлардан ишонмаганлар кўпроқ бўлди. Лекин нима бўлганда ҳам бу қонуний имкониятдан фойдаланиб қолиш керак эди. Чунки бундай шароит яна бўладими-йўқми, Худо билади.

(Давоми 7-саҳифада). ➤

АБАДИЯТ ОРАЛАБ...



ФИТРАТНИНГ СЕВАР ГУЛИ

Биринчи ўзбек профессорининг қизи
Севаргул КАРОМАТИЛЛАХЎЖАЕВА хотиралари

ҚИСМАТГА ҚАСДЛАШУВ

Бухорода туғилган бўл-сам ҳам, жуда кичкина-лигимда Тошкентга кўчиб келганмиз. Аввал бизга бе-рилган хонадонда яшадик, кейин катта ҳовли сотиб олдик. Ҳовли тўла гуллар, дарактлар эди. Афсу-си, бу гулзор бизга насиб қилмаган экан. 37-йилда отам қатағон қилинди, уч ой ўтиб-ўтмай онамни ҳам қамашди.

Мени етимхонага таш-

лашди. Аслида, бу жой “халқ душмани”нинг фар-зандлари учун қамоқхона ўрнидаги махсус уй эди. Биз у ерда ўқимасдик, ёшимизга қараб гуруҳлар-га ажратилган эдик, холос. Қўчага чиқишимиз мумкин эмасди. Муассаса панжара билан ўралган, дарвозада қуролланган зобитлар ту-ришарди.

Сал вақтдан кейин тоғам мени уйига олиб кетди.

(Давоми 5-саҳифада). ➤



ОГОҲЛИК ҚЎНҒИРОҒИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Жумладан, халқаро ҳисоботлар охириги йилларда бир неча бор Тошкентни дунёдаги ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар сирасига киритди. Бу йил ҳам пойтахтимиз ушбу рўйхатда дунёнинг йирик шаҳарлари орасида бир неча бор олдинги ўринларга чиққани барчамизда жиддий ташвиш уйғотди. Натижада мавжуд муаммога зудлик билан ечим топиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжат пойтахтнинг экологик муаммоларига қарши курашда туб бурилиш нуктаси бўлиши мумкин. Фармон нафакат экологик муаммоларни тан олиш, балки уларни ҳал этиш учун амалий, комплекс ва кескин чора-тадбирларни жорий этишга қаратилган. Инсон саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ҳужжатда белгиланган ҳаво, сув ва тупроқни ифлослантирувчи манбаларга қарши кураш чоралари бевосита инсон саломатлигини химоя қилишга йўналтирилган. Саноат корхоналари чиқиндиларини камайтириш, транспорт ҳаракатини чеклаш, қурилишдаги чангни бартараф этиш талаблари экологик хавфларни камайтиради.

Фармонга биноан, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар томонидан мамлакатимизга олиб кириладиган маийиш ҳаво тозалаш ускуналари божхона божидан озод этилмоқда. Атмосфера ҳавосининг РМ 2.5 зарралари билан ифлосланиш манбаларини аниқлаш учун Экология қўмитаси ҳузурида Атмосфера ҳавосини чуқур ўрганишга қаратилган махсус лаборатория ташкил қилиниши, Тошкент шаҳрида ҳаво сифати реал вақт режимда назорат қи-

линадиган автоматлаштирилган тизим яратилиши, экологик меъёрларни бузган иссиқхоналар, турли печлар ҳамда корхоналарга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир чоралари кўрилиши назарда тутилган. Пойтахтда ҳаво ифлосланишини камайтириш мақсадида 2010 йилгача ишлаб чиқарилган, экологик талабларга жавоб бермайдиган автомобилларни trade-in орқали янгилаш механизми жорий этилаётгани, Тошкент шаҳар ҳокимлигига 2026 йилга қадар 33 километр узунликда “Яшил коридор” барпо этиш, 700 та чорражада замонавий, сунъий интеллектуал бошқарувга эга светофор тизимини жорий этиш вазифаси юклатилиши ҳам фармоннинг аҳамиятини оширади.

Фармон асосида Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги иссиқхоналарни табиий газ билан барқарор таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

2025 йил 1 декабрдан бошлаб Тошкентда АИ-80 бензинини сотиш тўхтатилади. Қурилиш объектларига ҳаво сифатини ўлчайдиган станция ва камералар ўрнатилади. Бундан кейин Тошкентда биноларни қуриш лойиҳалаштирилаётган пайтда шамол йўналиши ва тезлигини инобатга олиш талаби қўйилади. “Яшил Тошкент” лойиҳаси учун масъул республика ишчи гуруҳи тузилади. Тошкент шаҳар ўрмон ҳўжалиги ташкил этилади. Энг муҳими, пойтахтда даракт кесилиш қарори овоз бериш орқали қабул қилинади.

Экологик назоратни кучайтириш ва масъулиятни ошириш мақсадида Махсус комиссиянинг тузилиши ва унга саноат корхоналари фаолиятини тўхтатиш, чекловлар жорий этиш сингари берилган кенг ваколатлар экологик қонунбузарликларга нисбатан кескин чоралар кўрилишидан далолат беради. Бу эса ифлослантирувчи субъектларнинг масъулиятсизлигига чек қўйиб, атмос-

фера ҳавосини тозалаш ва чангланлишни камайтиришга хизмат қилади.

Тошкент ҳавосидаги зарарли моддалар ва чанг миқдорини кескин камайтириш фармоннинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу борада бир қатор чоралар назарда тутилган. Масалан, транспорт ҳаракатини чеклаш, юк ташувчи автотранспортлар ва тоқ-жуфт давлат рақамли автомобилларнинг ҳаракатини вақтинча чеклаш (электромобиллар бундан мустасно) ҳавога ташланадиган заҳарли газлар миқдорини камайтиради.

Дарактлар – сайёрамизнинг “ўпка”си. Улар инсон учун бебаҳо манба – кислород ишлаб чиқаради, шунингдек, ҳаводаги чанг зарраларини, турли зарарли газларни ўзига синдириб, ҳавони тозалайди. Шаҳарларда яшил майдонлар ва дарактзорларни кўпайтириш ҳаво ифлосланишини табиий равишда камайтиришнинг энг самарали йўллари-дан биридир. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси каби ташаббуслар доирасида кўчат экиш кўламини кенгайтириш ва уларнинг парваришини тизимли йўлга қўйиш, янги қурилаётган ҳудудларда дарактзорлар ва боғлар учун мажбурий ер ажратиш, мавжуд яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳам экологияни, мусалфақ табиатни яратишда муҳим роль ўйнайди. Фармонда бу масалаларга атрофлича аҳамият қаратилган.

Атроф-муҳитга зарар етказувчи саноат корхоналарининг Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларга кўчирилиши шаҳар ичидаги экологик босимни сезиларли даражада енгилаштиради. Шунингдек, саноат корхоналари учун ташланмаларнинг рухсат этилган миқдорини белгилаш ва меъёр бузилган ҳолатда уларга кескин чоралар кўриш мумкинлиги экологик масъулиятни оширади. Махсус комиссияга ушбу йўналишда давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни му-

ҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ваколати берилгани ҳам экологик сиёсатни амалга оширишда тарқоқликнинг олдини олади ва ягона стратегия асосида ҳаракат қилиш имкониятини яратади.

Кези келганда айтиш керакки, ҳаво сифатини яхшилаш бир кунлик иш ёки бир ташкилотнинг вазифаси эмас. Бу давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, корхоналар ва энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этувчи кенг кўламли масаладир. Атроф-муҳитга эътиборли бўлиш, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш ва яшил маконларни асраб-авайлаш орқали соғлом яшаш муҳитини яратишимиз мумкин. Халқимизнинг ерни, табиатни, сувни, ҳар бир ниҳолни асраш ва эъзозлаш борасидаги эзгу анъаналарини, бу билан боғлиқ муқаддас тушунчалари, мақол ва ривоятларини, албатта, ҳаммамиз яхши биламиз.

Афсуски, бугунги глобал замонда биз бу қадриятлардан тобора узоклашиб бормоқдамиз. Ҳолбуки, мана шу миллий қадриятларимиз муаммога ечим топишнинг асосий йўллари-дан бири бўлиши мумкин.

Экологик муаммолар – ўз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон ва жамият учун огоҳлик қўнғиригидир. Бугунги ҳар бир ҳаракатимиз фарзандларимизнинг тоза ҳаводан нафас олиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Президентимизнинг ушбу фармони мавжуд муаммоларга ечим топиш билан бирга, келгуси авлодлар учун соғлом муҳитни таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегик йўлни белгилаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Эндликда асосий вазифа – бу муҳим фармонда белгиланган чора-тадбирларни изчил ва самарали амалга оширишдан иборат.

Жамолiddин БАДАЛОВ



ҚОДИРИЙГА ҚАЙТИБ...

Бошланиши 1-саҳифада.

“Бугун биз оддий бир китоб тақдиротида эмас, бутун бир давр руҳининг қайта яратилишига гувоҳ бўлиш учун йиғилганмиз. Абдулла Қодирий деганда, аввало, миллий тафаккуримизга сингиб кетган ҳаётий ибратлар кўз олдимишга келади. Бугунги сайланманинг эса алоҳида, ўзига хос қиймати бор. Гўё уч алоҳида ўзан бир дарёга қуйилганидек, бу нашр ҳам янги таҳрир, янги тартиб ва янги кўринишда намоён бўлмоқда. Ижодий жамоа эса Қодирий руҳиятини замонавий ўқувчига қандай равишда етказиш мумкин, деган катта ва масъулиятли саволга жавоб топиш устида пухта иш олиб борган”, – деди Умида Тешабоева.

Шундан сўнг адиб уй-музейида тасвирга олинган маърифий лавҳа намоиш этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Салим Ашур сўз олиб, Қодирий бугунги адабиётимиз вакиллари-нинг устози эканлигини алоҳида эътироф этиб, машҳур шарқшунос олим, академик Евгений Бертельснинг қуйидаги фикрларини ёдга солди: “Дунёда бешта – француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди”.

Шунингдек маърузачи: “Қодирий миллият озодлиги йўлига ўзини қурбон қилган жадид маърифат-парварларининг энг кўзга қўринган вакили эди. У фақатгина назарийётчи эмас, жадидлик гоёларини ҳаётга жорий этган ҳақиқий ислухотчи бўлган. Ҳатто сўнгги сўроқларда мустабид тузумнинг қаттол терговчиларига тик боқиб: “Менинг сўроқим виждондир! Сенлар эмас!” дея олган, “тўғрилиқ йўлида бош кетса ҳам “их” демайдиған” шиоатли инсон эди”, деб қўшимча қилди.

Филология фанлари доктори, профессор Узоқ Жўрақулов эса Қодирий ижодининг жанрий хилма-хиллиги ҳақида гапириб, ёзувчининг роман, повесть, фелъетон, публицистикада бирдек фаол бўлгани, ҳар бир жанрни ўзига хос куч ва мафкуравий мазмун билан бойитганига ургу берди. Шунингдек, адабиётшунос олим бугун “Танланган асарлар” тўпламидан жой олган бебаҳо романлар ҳамда матбуотдаги айрим чиқишлар сабабли ўз даврида матонатли адибнинг руҳий ва жисмоний босимлар остида қолгани, шунга қарамасдан танқидий мақолалар орқали ўша замон кайфиятини тўла очиб бера олгани тўғрисида ҳам фикр билдирди.

Қисқа умри давомида ўзидан улкан маънавий мерос қолдирган, миллият тафаккурини юксалтириш йўлида молу жонини аямаган, уқлаганларини уйғотишга қодир асарлари орқали маърифат нури-ни таратган адибнинг юксак заковати ҳақида сўз юритган ёзувчи Бахтиёр Абдуғафур ўз маърузасида Абдулла Қодирий ижодининг замонавий китобхонага таъсири, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўзига хос ўрни, асарларининг бугунги кун учун ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Журналист Шарофиддин Тўлаганов Қодирий адабий меросининг медиа талқини ва жамоатчилик онгидаги ўрни ҳақида маълумот берди. У ОАВда ёзувчи асарларини кенг ёритиш, танқидий-тахлилий фикрлаш тарзини янада ривожлантириш ва нашрлар олдидаги масъулият ҳақида сўз юритди.

Наشريёт таҳрир ҳайъати аъзоси Тўлқин Эшбек “Танланган асарлар” тўпламининг яратилиш жаъраёни, концепцияси, асарлар танлови сабаблари, муқова, формат ва умумий услуб ҳақида маълумот берди.

Тадбирда “Credo-Print” босмахонаси вакиллари ҳам иштирок этиб, нашрнинг техник жиҳатлари, кўзланган мақсад ва натижалар тўғрисидаги мулоҳазаларга оидинлик қиритди.

Шунингдек, тақдирот ўтказилаётган залда Абдулла Қодирий асарларининг турли йилларда ва тилларда нашр этилган нусхаларидан иборат махсус кўргазма ҳам ташкил этилди.

Маълумот учун, Абдулла Қодирийнинг машҳур уч асари – “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Диёри бақр” ўрин олган ушбу тўпламга улғу адибнинг набираси Хондамир Қодирий масъул муҳаррирлик қилган. Китоб “Dunyо nashr” нашриёти томонидан Феруза Қурбонова муҳаррирлиги остида тайёрланган бўлиб, икки минг нусхада чоп этилган.

Ўзига хос услуби, юксак бадий маҳорати ва тарихий воқеликни акс эттиришдаги нозик ёндашуви билан ажралиб турадиган, замонасининг мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳаққоний ёритган жасоратли адибнинг янги тўплами барчамизга муборак бўлсин!

Шаҳриёр ИБРОҲИМОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу йўналишда ҳозир илмий тавсиялар ишлаб чиқяпмиз.

Иқлим ўзгаришларининг Марказий Осиёга таъсирига келсак, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисмида ҳарорат ошиши жаҳон кўрсаткичига қараганда 0,4-0,5 даражага юқори. Бунинг сабаблари кўп. Энг муҳимларидан бири, минтақанинг географик жойлашуви билан боғлиқ. Ўзбекистон қуруқ, арид иқлими ҳудудда жойлашган. Шунинг учун бу ерда нафақат атмосфера, балки тупроқ ҳам кўпроқ қизийди.

– Бунга қўшимча равишда кузнинг қурғоқчил ўтаётгани ҳам вазиятни оғирлаштиряпти. Жаҳонда сунъий интеллект дроллари ёрдамида ёмғир ҳосил қилиш амалиёти бор экан. Бизда ҳам шунақа янгиликлар борми?

– Сунъий ёмғир ёғдириш технологияси бизда ҳозирча ривожланмаган. Бу жуда катта маблағ ва тажриба талаб қиладиган соҳа. Булулларни кимёвий усулда уруғлантириб, маълум ҳудудга йўналтириш ва ёғдириш – катта техника, илмий тадқиқотлар ва доимий мониторингни талаб қилади.

Ёғингарчиликнинг камайиши ҳам иқлим ўзгариши фожиалари занжирининг бир қисми. Музликлар эриши, ёғингарчилик режимининг ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчиликнинг кучайиши – буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ. “Биз табиатдан инъом-эхсон кутмаймиз, аксинча, тортиб оламиз” деган ақидалар даври ўтди. Табиат билан курашиш эмас, муроса қилиш керак. Чунки табиат одамзоднинг эмас, одамзод табиатнинг бир бўлаги. Уни қўтқаришга қўл чўзмас эканмиз, охирида шу қўллар билан бошимизга муштлаб қолишимиз мумкин.

Юртимизда сувни тежовчи технологияларга, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига катта эътибор қаратиляпти. Буларнинг барчаси табиат ва тараққиёт ҳамкорлиги тимосидир. Иқлим бир кунда шаклланмагани каби, унинг муаммолари ҳам бир кунда ё бир ойда ҳал бўлиб қолмайди. Бугун экилган ҳар бир ниҳол фарзандларимиз, невараларимизга тоза ҳаво беради, ҳар бир литр тежалган сув авлодларимиз чанқоғини босади.

– Пекинда сафарда бўлганингизни айтдингиз.



БИЗДАН ҲАРАКАТ...



Хитойлик ҳамкасбларингиз билан ҳамкорлик қай йўсунда давом этмоқда?

– Дарҳақиқат, ушбу давлатга кўп бор хизмат сафари уюштирганмиз. Бу йил ҳам Хитой Фанлар академиясининг президенти томонидан уч марта расмий тақлиф келди. Уларни ўзбекистонлик олимлар билан ҳамкорлик нима учун бу қадар қизиқтирмоқда? Сабаби шуки, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш янги босқичга кўтарилди. Савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Энди улар “Иқлим ўзгариши инвестиция лойиҳалари келажагига қандай таъсир кўрсатади? Келгусида қандай чора-тадбирлар кўриш керак? Бу йўлда илм-фан вакиллари қандай фикрда?” каби саволларга жавоб излайди. Шунинг учун Хитой томони барча харажатларни қоплаган ҳолда ҳамкор давлатлар олимларини тақлиф қилиб, фикр ва тажриба алмашади.

Шу ерда икки жиҳатдан ибрат олишимиз мумкин. Биринчиси, дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ, деган қоидага биноан илм-фан ривожини изчил давом эттириш ҳамда яратилаётган шароитларга муносиб жавоб бериш. Иккинчиси, иқлим ўзгариши фақат ҳукумат ё экологларнинг муаммоси эмас, ҳар биримизнинг фаолиятимиз ҳам бевосита шунга боғлиқ эканини англаб етишимиз лозим.

– Экологик муаммоларни бартараф этишда сунъий идрок имкониятларидан нечоғлиқ фойдалана оляммиз?

– Сунъий идрок иқлим ўзгаришларини ўрганишда, хусусан, прогнозлар аниқлигини оширишда ҳам ёрдам беради. У орқали катта маълумотлар қисқа вақт ичида таҳлил қилинади. Шунингдек, қатор технологияларнинг ишлаш тартибини назорат қилишда ҳам ундан унумли фойдаланиш мумкин. Аммо охирида барибир ҳаракатни сизу биз – одамзод қилиши керак. Асосий масъулият барибир бизнинг елкамизда қолади.

Иқлим ўзгаришларини тўхтатиш мумкинми? Очигини айтиш керак, бунинг имкони йўқ. Бу менинг эмас, жаҳон олимларининг фикри. Демак, ягона йўл – мослашиш ва изланиш. Юқори ҳароратга мослашиш, қишлоқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқаришни шунга мослаштириш, инфратузилмани қайта қўриб чиқиш зарур.

– Домла, менимча, муштарийларимиз учун жуда қизиқ ва фойдали суҳбат бўлди. Сизнинг машаққатли ва савобли изланишларингизда янгидан-янги ютуқлар тилаб қоламиз. Зеро, илмнинг мувафақияти жамиятнинг равнақи ва фаровонлиги асосидир. Саломат бўлинг!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.



“Ялдо кечаси”ни кутинг ва ўқинг!

Жамоатчилик орасида тарқалган хабарларга кўра, яқинда пойтахтимизда “Хаувар–25” номли янги нашриёт иш бошлабди.

Мухбиримиз Шахриёр ШАВКАТ ушбу нашриёт бош муҳаррири Шухрат СОҲИБОВ билан суҳбатда бўлди.



Мухбир: Аввало, сизни ва жамоангизни нашриётингиз ўз фаолиятини бошлагани билан табриклаймиз. Табиийки, муштарийларимизни “хайбар” сўзи қандай маънони билдиради, деган савол қизиқтиради...

Шухрат СОҲИБОВ: Маълумки, “хайбар” жўғрофий маънода Осиё қитъасидаги баланд довоннинг номини англатади. Луғавий-маъжозий маънода эса “юксаклик” демакдир. Биз маънавий юксакликка интилиш, китобхонларимизни ҳам ана шундай баланд мақомга кўтаришни мақсад қилиб, давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, яхши ният билан нашриётимизга шундай ном қўйдик.

Шориимиз: “Биз доимо юксакликка интиламиз! Биз билан бирга юксалинг!” Иш бошлаганимизга кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бир қатор жиддий лойиҳаларга киришдик. Бу ҳақда гапирганда, аввало, илк маҳсулотимиз бўлган “Ялдо кечаси” тарихий романи ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

Кўпчилик яхши билади, ялдо кечаси – бу календарь ҳисобига кўра, 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси, йилнинг энг узун тундир.

“Ялдо кечаси” эса фавқуллода ғаройиб тарихий роман бўлиб, тўрт юз олтимиш бир бетдан иборат йирик ҳажмли, мураккаб сюжет ва композицияга эга. Ушбу асарни шу кунларда лотин ва кирилл алифболарида, кўпминг нусхада чоп этиш ишларини якунлаяпмиз.

Биз бу ижодий жараёнга мамлакатимизнинг атоқли адиблари, адабиётшунос ва тарихчи олимлари, расом ва дизайнерлар, малакали матбаачиларини жалб этдик. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига, авваламбор, асарни қўлёзма ҳолида ўқиб, ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган кўплаб ижодкорларимизга миннатдорлик изҳор этамиз.

Хусусан, улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг номини алоҳида таъкидламоқчимиз. Устоз “Ялдо кечаси”нинг масъул муҳаррири сифатида биз билан яқиндан ва фаол ҳамкорлик қилганлари учун бошимиз кўкка етди.

Шунингдек, академик Шухрат Сирожидинов, профессорлар Баҳодир Карим, Нурбой Жаббор, Шухрат Ризаев, Жаббор Эшонқул, таниқли адиблар Эркин Аъзам, Сирожиiddин Сайид, Муртазо Қаршибой, Ғайрат Маждид, Икром Искандар, Ғафур Эшмурод, Ғайрат Шералиев, Ўзбекистон санъат арбоби Турсунали Қўзиёев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, матншунос Хондамир Қодирий, адабиётшунос Олимжон Давлатов сингари бир қатор ҳурматли ижодкорларимиз ҳам асарни такомилга етказишга муносиб ҳисса қўшганларини айтиб ўтмоқчимиз.

Мухбир: Адабиётимиз етакчи намоёндаларининг бу асар ҳақидаги фикрлари газетхонларимиз учун ҳам қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

Шухрат СОҲИБОВ: Албатта. Масалан, Иброҳим Ғафуров домла “Ялдо кечаси” тарихий романига қуйидагича баҳо берди-лар:

“Бу китобни у адабий мистификациядан фойдаланган ҳолда, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби тарзида ёзди, буюк Қодирий номидан, Қодирий бўлиб ёзди; қаттол замон Қодирийнинг қўлини кишанлаб, унга ёзиш учун имкон бермаганлиги боис фозил издош ва увайс шогирд сифатида ёзди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фантастик бир орзуни рўёбга чиқарди. Бу асар янги замон ўзбек адабиётида тамомила кашфиёт, деса арзигуликдир...”

Ёки бўлмаса, Хондамир Қодирий: “Ушбу китобнинг ичига икки-уч саҳифадаёқ кириб кетдим. Сабаби, унинг саҳифаларида сўзлаб келинаётган дард-аламлар менга яқин – таниш, улар мени ўз домига тортиб кетди ва мен китобни уч кунда ўқиб битирдим, яна қайта ўқидим. Китоб менга жуда-жуда маъқул. Бугунги авлоднинг барча қатламига маънавий, маърифий, маданий, ахлоқий ва сиёсий тарбия бера оладиган мақомда ёзилган” деган фикрларни билдирди.

Биз бу икки муҳим иқтибосни бевосита китоб муқовасида беришни зарур, деб билдик.

Айни вақтда роман мазмунини чуқурроқ очиб бериш мақсадида Зулфия Иброҳимова, Акмал Расулов каби график расомлар томонидан унга йигирмадан ортиқ оригинал бадиий иллюстрация ишланди. Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсангиз, расомнинг маҳорати билан китоб муқовасидаги қаҳрамон сиймосида асардаги тўрт нафар персонаж, яъни Отабек, Ёдгорбек, Озодбек ва Одилбек тимсоли мужассам бўлганини кўриш мумкин.

Мухбир: Бизни ҳам бу асарга жуда қизиқтириб қўйдингиз. Айтинг-чи, роман муаллифи ким ва китоб қачон нашр этилади?

Шухрат СОҲИБОВ: Асар муаллифи... келинг, бу ҳозирча сир бўлиб тура қолсин.

Мухбир: Тушунарли. Яъни, бу борада ўзига ҳос бир интрига сақланмоқчи, шундайми?

Шухрат СОҲИБОВ: Йўқ, гап интригада эмас. “Тарихий ҳужжатлар асосидаги бадиий тўқима” шаклида яратилган мазкур

қуйида “Ялдо кечаси” (“Ўткан кунлар”га илова) тарихий романи асосий қаҳрамонларининг китоб форзацида чоп этилган ўй-фикрлари, ҳиссиёт-кечинмаларини акс эттирувчи иқтибослар эътиборингизга ҳавола этилади.

Фикри оживимча, бу икки подишоҳ – улар бир-бирлари ила хеш-ақрабо эканлари ҳам ҳазратимга махфий эрмас – ушбу йўсинда зимдан келишиб олганлар. Яъниким, Оқ подишоҳ ҳуқумати ингилларнинг Ҳиндистондаги ҳукмдорлик сиёсатиға дахл этмаса, ингиллар салтанати ҳам уларнинг Туркистонда мўлжал қилган истилосига мутлақо аралашмас. Зеро, кичик бир мусулмон улусини деб соҳиб дунё бўлган икки насроний давлат бир-бирига қарши тиг кўтармас, олампа-ноҳ...


Отабек

Уста Сайфининг уйида Ёдгорбекдан келган хатларни ўқиб беришни Зумраддан сўраганларида унинг юраги қафасга тушкан кабутар каби типирчилаб қолишини, хусусан, мактубдаги “Сингилларимга ҳам салом” деган беозоргина жумлани тилга олганида юзлари лоларанг тус олиб, товуши ўзгариб кетишини таъкид этиш ила кифояланурмиз.

Отабек

Такрор Сиздан Худо ва ҳазрат Исо алайҳиссаломни восита этуб сўрайманки, бу ёзгон хатини фақат мен билай ва Сиз билинг. На руслардан, на мусулмонлардан ҳеч ким билмасун ва хатни ўқиб англаганингиздан сўнгра йиртиб ташланг. Зеро, Ёдгорбек муаллим ва ани дўстлари билсалар, фаврои нўғой ва Қафқоз газитлариға ҳам мени ва ҳам Сизни ёзадурларки, “Нажот” мактаби хусусинда донус қилибдурлар, деб...

Рафиқ махзум Ҳамдам ўғли



асарнинг дастлабки саҳифаларида “Бу китоб” деб номланадиган батафсил бир сўзбоши берилган. У билан танишган ўқувчилар романнинг қандай қилиб дунёга келганига муаллифи ким экани ҳақида атрофчила маълумотга эга бўлади. Ҳозирча эса мен ушбу Сўзбошида таъкидланган бир фикрни, яъни “асар муаллифи – номлари кенг жамоатчиликка маълум ва ҳозирча номаълум бўлган юзлаб-минглаб ватандошларимиз, таъбир жоиз қўрилса, бутун ўзбек халқидир” деган сўзларни зикр этиш кифояланаман.

Романнинг қачон нашр этилишига келсак, биз асарнинг номига мос бир рамзий маъно касб этишини ният қилиб, насиб этса, 21 декабрь – ялдо кечасига қадар китоб дўконлари ва ўқувчилар қўлига етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз. Шу боис айни кунларда барчамиз умид, кучли ҳаяжон туйғуларини бошимиздан кечирмоқдамиз.

Мухбир: Ўз навбатида биз ҳам газетхонларимиз номидан нашриётингиз фаолиятига ютуқ ва омадлар тилаймиз.

“Бир қошиқ қонимдан кечинг” эмиш... Лекин сен малъунда бир қошиқ қон борму ўзи ё йўқму?!

Худоёрхон

Ватан иморати кулаб ётқанида, ман янги уйни бошимга урамани?

Мақсуд понсад

– Беквачча, энди уйингизга бир бутхона ҳам солине!
– Маъқул, Холвоқи ака, агар бутхона соладирган бўлсам, албатта сизни пўп қилиб олганим бўлсин!

Ёдгорбек

Сибир музофотида бўш жой кўпдур ва сизларга жазо бермакка подишоҳимизнинг аскарлари кифоя қиладир...

Гинирал-губирнатўр Духовской

Биз Туркистон, инчунун, Фарғона музофоти уламолари Сиз, юксак мақомлиқ ҳарбий губирнатўр жаноби олиилари ҳамда Остроумуф нозир тўрадан ўтини бўй сўраймизким, бизни “жадид” деган балодан қутқарсинлар. Илло, “ал-ҳукму лиман ғалаб”, яъниким, голибнинг ҳукми устундир.

Мулла Охунд домла

Майли, сартия орасида ҳар қанча жанжал, ҳар қанча мужодага кучайса – шунча соз. Улар қадимчи ё жадидга, ё яна алламбало тоифаю табақаларга ажралиб, бир-бирининг этини еса, айни муддаодир. Ҳарне, ўзаро иттифоқ бўлмасин, бирлашмасин.

Остроумуф

“Ушбу қочқин муқаддам Фарғона музофотинда мактабдорлик ҳамда “Нажот” исмлик газитқа муҳаррирлик қилиб танилган, ҳукматқа қарши кирдиқорлари учун ўн тўрт йилга Сибирияга бадарға қилинган Ёдгорбек Отабек ўғли Юсуфбекиф эмиш... Ул вақт они тутмоқ бўлганларида ўзини дарёга ташлаб қочмоқ ҳаракатини қилибдур. Шул сабабдин салдотлар они отиб ўлдирмоққа мажбур бўлубдурлар”.

“Туркистон вилоятининг газити”

Мамлакатдорлик ёлғиз ҳою ҳавас билан пойдор бўлмас. Иқтидор, аввалан, ҳарбий иқтидор керак. Сармоявий қудрат лозим. Сониян, эл-улуснинг яқдиллиги, қўллови даркор. Таассуфки, мухториятда мана шу уч нимарсанинг биронтаси ҳам йўқтур. Бўлса-да, чала ва заифдир. Мана, ўзинг мушоҳада эт. Кўрасанми буни? Бу мухторият номидан чоп этилиб, тарқатиладирган рўзнамо эмиш. Таҳсин ва тасанно! Фақат бу афкори нашрининг “Известия временнаго правительстве автономии Туркестана” деб аталиши, ўрис ҳарфи, ўрис тили билан ёзилгани нени ангелатур?

Нусратхон тўра

– Ўҳ-ҳў, мусулмонларнинг иштаҳаси қарнай-ку! Лекин, жаноб-ўртоқлар, би-либ қўйинлар, туя ҳаммомни орзу қилганидек, асқар, зобит бўлиш – бу ҳамма-нинг ҳам қўлидан келадиран иш эмас. Ҳар қалай, от миниб қилич чопиш билан эшак миниб кетмон чопишининг фарқи бор-да...

Юзбоши Сатановский

...Усмон Қуръонини Тошкандда кутиб олиш жараёнида фақатгина Диний идора вакиллари (жами 20–25 кишидан ошмаган миқдорда) бўлишига рухсат берилсин;

Қуръонни кутиб олиш билан боғлиқ ҳар қандай намойишлар, тадбирлар ўтказиш тақиқлансин;

Қуръонни кутиб олиш билан боғлиқ, диндорлар томонидан йиғилган ва йиғилиши мумкин бўлган маблағлар ноқонуний деб топилсин ва бу борада йўл қўйилган хатолари учун Тошканд Эски шаҳар ижроқўмига ҳайфсан эълон қилинсин.

“Махфий мактуб”дан



Бизди уйда бир ҳафтадан бери қиёмат. Бадбахт хотин, ўлдирсанг-ўлдир, лекин бетимди очиб кулупинга бормаيمان, деб оёқ тираб олган, уҳ...

Шаръий танмахрамингиз бўлса-ю, сўқиб бўлмаса, уриб бўлмаса... талоғини берво-рай десам, ўртада бешта жужуқ бор, қола-верса, фирқа ҳам бунга йўл қўймас...

Умматали Ҳикматуф

Дунё ер юзидаги қудратли салтанатлар ўртасида аллақачон тақсим қилиб бўлинган. Бул тақсимотда биз – Туркистон каби ночор ва заиф ўлкаларнинг улуши йўқ даражададур... Азарки биз миллат, давлат ўлароқ дунё харитасидан буткул ўчиб кетсак ҳам, бул фожиа жаҳон хоналарини чивин чаққан каби сескантирмас. Бас, ҳол шундай экан, биз ўзимизни жаҳаннам оташига отмаслигимиз, аксинча, элимиз, юртимизни қандай қилиб бўлса-да, йўқ бўлиб кетишдан асраб қолиш ҳақида қайғуришимиз керак. Туркистон яна бир мухторият қирғинини кўтара олмас.

Озодбек

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. Валлоҳи, биллоҳи, тааллоҳи! Менким, шаҳид Ёдгорбекнинг ўғли, шаҳид Отабекнинг набираси Одилбекдирман, Аллоҳнинг каломини, иймонимни ўртага қўйиб онт ичаман: ота-боболарим хоки ёткан, бир кун ўзим ҳам бориб ётадирган шу туфроқ учун, миллатим, диним учун душманга қарши сўнеги қатра қоним қолгунча курашаман. Бу йўлда шаҳид ўлмоққа тайёрман...

Одилбек

– Эй мужоҳид паҳлавонлар! Ватан истиқлоли учун жон тиккан ўғлонлар! Нега хомуш, нега маҳзун бўлиб қолдингиз? Бошингизни кўтаринг, сизларнинг ишларингиз, мақсадларингиз, қонларингиз ҳақдир! Аллоҳнинг иродаси, қўмондон Одилбекни ерга бердик. Аммо, ўзингиз айтинг, Одилбек ўлдими? Асло! Зотан Одилбек ким эди? У Ватан ва дин мужоҳиди, марди Худо эди. Бас, шундоқ инсонни ўлди деб бўлурми? Башарти, Одилбек ўлган бўлса-да, айтинг, унинг иши, унинг аъмоли, унинг маслағи ҳам ўлдими? Асло ўлгани йўқ! Ҳаммангиз шоҳидсиз, бек охирги нафасига қадар душман билан мардона олишди. Қўлидаги мана шу байроқ унинг муборак қони ила бўялди. Жон берар экан, менадан: “Ога, байроқни ким кўтаради?” деб сўради.

Мен энди шу саволни сизларга бермоқчиман: байроқни ким кўтаради? Ким?..

Ҳайдар Бурхон

Аммо орадан кўп ўтмай, Ўш ва Ўзган томонларда бир қўрбоши хотин пайдо бўлгани, ўша қонли байроқни баланд кўтариб, юзлаб йигитларга бош бўлиб ёвага қарши қақшатқич жанг қилаётгани бутун Фарғонага овоза бўлди. Билгучи кишиларнинг айтишларига қараганда, бу аёл оғаси Нусратхон тўра, эри Матлабхон, жувоннара қизи Суйимахон, дин қардоши Одилбекнинг хунини талаб қилиб майдонга чиққан Ойноси қўрбоши эмиш...



МУЛОҲАЗА

Австриялик адиб, модернизм йўналишининг таниқли вакили Франц Кафканинг “Жараён” романини ўқир эканман, унинг қаҳрамонларни шунча гап-сўз, нутқ ва ваъзхонлик мақомидаги узундан-узқ савол-жавоблар билан таъминлаш маҳоратига қойил қолдим. Асарда тасвир тиниқ, жумлалар пишиқ-пукта, сўзлар занжири мустаҳкам, драматизм, психологизм кучлилигини ҳам тан олмасдан илож йўқ. Роман ёзувчининг ашаддй мухлиси Вафо Файзуллоҳ томонидан ўзбек тилига қойилмақом ўғирилган, бу борада эътироз йўқ. Гап шундаки... Китобни ўқиш учун кетган вақтим эвазига нима олдим, деган саволга аниқ жавоб масаласида бошим қотди.

Кафка асарларини қайта-қайта, алоҳида тайёргарлик билан ўқиш зарурлиги тўғрисида ёзадилар. Менимча, масалан, “Жараён”, “Эврилиш” асарларини тадқиқотчилар қайта ўқисалар керак. “Қишлоқ врач”и ҳикоясида кўнгилни беҳузур қилдиған манзаралар тасвирланса, “Эврилиш”ни ўқиётиб, ўзининг ана шу асар қаҳрамони бўлмиш махлуқ қавмидан эканлиги учун жирканди кетгандай бўлади китобхон. Бу тоифадаги асарлардан қандай эстетик завқ олиш мумкин?

“Жараён”нинг қарийб 20 саҳифаси адвокатлик ва адвокатларнинг самарасиз фаолиятлари ҳақидаги (орада суд жараёни тўғрисида узук-юлуқ гап чиқиб қолади, аммо жараёндан номнишон йўқ) узундан-узқ ярим назарий, ярим таҳминий, ярим кузатувлар хулосаси бўлимиш мулоҳазалардан иборат. Тахминан 160-бетларда: *“Шундай бир гирдобеа тушиб қолган эдики, омон қолиш учун фақат курашиш керак эди”*, деган жумла бор. Вахоланки, қандай гирдоб ҳақида гап борапти, ким ёки кимлар билан курашиш керак – номаълум. Лекин айни ўша жумладан кейин ҳаққоний бир гап ёзилган: *“Шунга қарамай, ваҳима қилиб, айоханнос соладиған ҳеч бир воқеа содир бўлгани йўқ”*.

Дарҳақиқат, шунгача терговчи би-

лан икки-уч оғиз савол-жавоб қилгани эътиборга олинмаса, ҳеч ким бош қаҳрамон Йозеф К.ни қозига олиб бораётгани, ҳатто бу ҳақда ўйлаётгани йўқ, муаллиф ёзганидай, ваҳимадан бошқа ҳеч нима содир бўлгани йўқ. 300 саҳифалик романнинг 120 саҳифаси давомида айбдор терговчи билан бир марта учрашади, холос, унда ҳам тайинли гап бўлмайди. Воқеаларнинг тергов жараёнига, мавзуга дахли сезилмайди. Йозеф К. ғирт овсар, Достоевскийнинг “телба”си – Мишкинни эслатади, ундан

“Жараён”нинг ўша тилга ўғирилган-ўғирилмаганлиги билан ҳам белгиланар” экан!.. “Жараён” таржимонининг ёзишича эса, “Кафка ижоди ноинсоний, инсоннинг олий туйғуларига ёт” деганлар ноҳақ, “Жараён” сирасидаги асарлар “маънавий тараққиётимиз учун жуда зарур”...

Бу гапларни ўқиб, ўйлаиб қолдим. Наҳотки, буюк маънавият ва маданият соҳибби бўлган, дунё тан олган алломаларни, жадидлардек улуғ маърифатпарварларни етиштирган халқ Кафка ва унинг табақасига ман-

мартабали зиёли-олимларнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги тушунчалари ҳаминқадарлигидан улар эмас, биз мулзам тортган эдик. Ахир бизда бир неча ўнлаб хинд ёзувчи-шоирларининг китоблари қайта-қайта нашр қилинади-ку!

Мулоқотда “Бизнинг ўқув юртлари-мизда бир қанча хинд классик адиблари ўқитилади. Сизларда ҳам ўзбек адабиёти намоёндалари ўқитиладими?” деган саволимизга Ж.Неру номидаги университетнинг Марказий Осиё буйича мутахассиси (у 1987



ҳам довдирроқ, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари билан энсани қотирадиган одамлар сирасига қиради...

Бундай асарларни ўқишдан кўра, уларнинг зўрлигини исботлашга уришлар кўпроқ хайрон қолдиради кишини. Масалан, “Жараён” китобида ёзилган сўзбошида (истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад) таъкидланишича, романини “ўзбек тилида ўқиш имкони тўғилиши ўзбек адабиёти тарихида алоҳида воқеа”, “Ҳар қандай миллий адабиётнинг нуфузи

суб ёзарманларсиз маънавий тараққиётдан тўхтаб қолса? “Қўшнинг товуғи ғоз кўринади”, деганларидай, бошқаларни ўзимиздан зўр билишимиз, сермулозамат ва тақлидга ўчлигимиз, миллий ғурур борасидаги оқсоқлигимиз бу борада ҳам панд беради, шекилли-да... Ёки биз барча соҳада ҳаммадан куйида, орқароқдамизми?..

Бобур халқаро илмий экспедицияси билан Ҳиндистонга сафарларимизда (1993 ва 2000 йиллар)

йили Ўзбекистонда бўлган экан) Музаффар Аълам шундай жавоб берган эди: “Биз Навоийни ва шубҳасиз, Бобурни биламиз, улар умумий дарсларимиздан қисқа бўлса ҳам ўрин олган, лекин кейинги юз йил ичидаги ўзбек адабиётидан, тўғриси, беҳабармиз...” Ўшанда кўнглимдан кечган ўйларни “Ҳинд сориға” деган сафарномада шундай битган эканман: “Бошқаларникини ибрат қилиб, байроқ қилиб кўз-кўзлайвермай, ўзингникини бошқаларга кўрсатишни

МОЗИЙДАН САДО

Тўғриси, кўпчилик “жадид ҳаракати” деганда, санокли намоёндаларни тушунади. Гўёки, жадидлар фақат катта шаҳарларда яшаб фаолият юритган, вақтли нашрлар ташкил қилиб, мактаблар очиб, узққ қишлоқларга уларнинг қадами... йўқ, ҳатто хабари ҳам етмаган. Бу фикрнинг шаклланишида собиқ совет мафкурасининг ҳиссаси катта. Ўша давр қиёфаси тасвирланган турли жандарги асарларда жадидлар ҳақида ноҳолис маълумотлар келтирилади, “буржуазия вакиллари”, “бир ҳовуч мафкураси бузққ кимсалар”, “пантуркчилик гоёси тарғиботчилари” каби камситувчи айбловларга урғу берилади.

Хўш, аслида, Туркистон заминида ўтган аср бошларида пайдо бўлиб, қисқа фурсатда сиёсий куч даражасига етган, умри чорак аср билан чекланган бўлса-да, мустамлака занжири ва эски ақидалар таъсирида қолган халқни ўйотиш, уларнинг зеҳниятига хур фикрларни сингдиришни олий мақсад қилган жадидлар ҳаракатининг микёси қай даражада эди?

...Хива хонлигининг Боғот бекилиги марказида истиқомат қилган тўрт оғанининг тўнғичи Рийимбой ака деҳқончилик билан рўзгорини боққан. Яна бир иниси Матсафо худуддаги “Тримчи кўл” бўйида деҳқончилик қилиш қаторида балиқчилик билан ҳам шуғулланган. Кенжа ўғил Худойберган бозорда қовун олиб-сотган.

Оғаниларнинг иккинчиси Қаримбой ака мактаб-мадраса кўрган, Оренбургча бориб савдогарлик қилган. У ҳали мадрасада ўқиб юрган вақтларида жадидлар ҳаракати билан қизиққан, сўнг савдогарликдан топган даромади ҳисобидан Боғот бекилигидан илк хусусий мактаб очган. У янги мактабдорлар бирин-кетин қамалаётганини кўргач, ярим тунда болачақасини олиб, мусофирлик йўлини тутди. Унинг авлодлари ҳозир Туркменистоннинг Мари шаҳрида яшайди...

Боғотлик етмиш беш яшар Қаландар бува Матсафоев бир воқеани ҳикоя қилади: “Бир куни мактабдан қайтаётганимда, Матлатиф бува билан Машариф бува жанжаллашиб тургани устидан чиқдим. Жанжалга сабаб: Машариф бува ўз отизига сув очган, Матлатиф бува эса суви ўз отизига йўналтирган. Жанжал ёқа бўлишгача борди. Матлатиф бува гавдали одам эди, Машариф буванинг ёқасидан олиб, оёғини ердан кўтарди. Шунда Машариф бува лаҳза ичида ўзини ерпарчин қиламан деб турган рақибига кескин зарба берди. Матлатиф бува орқаси билан йиқилди. Мен мактабда



бокс тўғарагига қатнардим. Машариф бува рақибини йиқитиш учун қайси усулни ишлатганини билай, деб бордим. Машариф бува саволимга қулиб жавоб берди: “Мадрасада ўқиган вақтимизда жадидларга қўшилганмиз. 1937 йилда шу сабаб билан беш йилга қамашди. Қамокда бир зиёли инсон менга бокс сирларини ўргатган”. Машариф бува қамокдан сўнг Чоржўй, Мари шаҳарларида яшаб, кексайган вақтида юртга қайтганди”.

Қишлоғимизда узққ йиллар имомлик қилган Абдулла махсум бува хонлиқнинг охириги даврида Хива мадрасасига ўқишга кирган, аммо мадрасалар ёпилиб, таълимини тўлиқ ололмаган. У киши колхозлаштириш даврида бир муддат бригадирлик ҳам қилган. Махсум бува салкам тўқсон ёшида боқий дунёга кетди. Вафотидан сўнг невараси бувасидан қолган бир китобни кўрсатди. Бир аср илгари Туркияда чоп қилинган китобда турк пошоларининг суратлари акс этганди.

Мулла бува билан гурунгаримиздан бирида мадрасада ўқиган даврида жадид ҳаракатига қўшилган-қўшилмагани ҳақида сўраганимда, у киши: “Ўн еттинчи йилда Хивада жадидлар кўп эди. Улар мадрасада сабоқ берар, чекка қишлоқдан келган биз каби толибларни моддий

қўллашарди. Лекин партияники каби жадидлар ҳаракатига аъзо бўлганинг учун гувоҳнома беришмасди”, деб жавоб бергани эсимда. Сандиғида сақлаб келган китоблари орасида айнан жадидлар тарғиб қилган китоблар бўлгани унинг маънан жадидликни қўллаганини исботлайди.

1914 йилнинг августида ташкил топган “Ёш хивалиқлар” ҳам айнан жадид ҳаракатининг ҳосиласи ҳисобланади. Хонлиқда жадидлик бошида шахсан вазири акбар Исмолхўжа тургани ҳаракатининг қўламини ва аҳамиятини билдиради. Хонлиқда катта таъсир доирасига эга мулозимнинг жадидларга бош қўшгани юзлаб, минглаб ёшлар, айниқса, толибларни руҳлантиргани, шубҳасиз. Ўз даврида тақрибан олти юз минг адад аҳоли яшаган хонлиқда ўттигача яқин бекилик мавжуд бўлса, “Ёш хивалиқлар” етакчилари тузган Хоразм Халқ Совет Республикасида ҳудуд 22 та туманга бўлинган.

1920 йилда Қўшқўпир бекилигининг Хайриобод қишлоғида илк мактаб очилади. Бу мактабни Аҳмад афанди ташкил қилганди. У қишлоқнинг иқтидорли ёшларини танлаб, уларга билим бера бошлади. Турмуш ўртоғи Ёқут муаллима кейинроқ қизлар учун алоҳида мактаб очди. Жадид ҳаракатига қўшилиб, чекка

ҳам ўйлаш, билиш керак, шекилли...”

Мен, албатта, юқоридагидай “оламшумул” ижодкорларнинг қадрига ета олмаётганим (балки уларнинг муваффақиятлари сирини англай билмаётганим) учун жуда хижолат тортаман, аммо... “Мен-ку, нари борса, Лев Толстойнинг ихлосмандиман, лекин ўшандай фикрлари, дунёқараш кенг қамровли, ёзиш санъатининг пири комили ҳам Шекспирдек дунёга машхур драматургни (ва яна айрим ўз даврнинг классикларини) тан олмаган-ку”, деб ўзимга таскин берман. Шубҳасиз, Толстой ҳасаддан ё дунёқараш чекланганидан инкор этмаган Шекспир ё Некрасовни, ахир у Пушкинни, Тургеневни улуғлаган-ку!

Ҳай, Кафканинг Толстойга тенглаштирилиши(?)га ҳам (сўзбошиларда шундай таққос бор) тоқат қилиш мумкин, ахир бу ҳам шахсий фикр-да, деган хулоса одамни юпантиради (гарчи ўнлаб Кафкалар биргина Толстойнинг ўрнини боса олмаса ҳам). Борингки, тадқиқотчиларнинг “кашфиёт”лари ҳам рост бўла қолсин. Хўш, китобхонлар-чи? Улар “Жараён”дан қандай манфаат олади, қандай ёмбини қўлга киритади? Китобни ўқиган ўқувчи жигибийрон бўлиши, азобланиши, бир дардини икки қилиб олиши керакми? Умуман, ёзувчи китобхонга маънавий завқ бериши лозимми ё унинг бошини қотириши, асабларини эгзовлаши керакми? Кафка “инсониятнинг маънавий ҳаётидаги хавфлардан огоҳлантирган” экан, “Жараён” ёзилганидан бери ўтган салкам бир аср давомида ўша хавф барҳам топдими ё ақалли камайиб қолдими? Аксинча эмасми?

Сўзбошида романга нисбатан эътирозли мулоҳазалар ҳам билдирилган. Масалан: “Жумла тузилиши, гап қурилмаси, фикрни ифода этиш услуби эзмаликка, ҳатто миждовликка мойил”. Унда адабларимиздан бирининг: “Ҳа, энди Кафка деганлари касал бир одам-да”, деган гапи киноя билан эсга олинган. Афтидан, ўша адиб гапнинг индаллосини айтганга ўхшайди. Оддатда, ноҳуш хасталикка чалинган кимсаларда бошқаларга муҳаббат ҳисси юқори бўлмаслиги мумкин. Кафканинг касаллигини таъкидлаган адабимиз балки масаланинг шу жиҳатини – ёзувчининг

аламзадалигини ҳам назарда тутгандир. Ахир ўз отасини қоралаш, унинг устига ботмон-ботмон “мағзава ағдариш” учун бир дунё оқ қоғозни қора сиёҳга булаган (“Отамга хат” эссеси) ёзувчига яна қандай таъриф бериш мумкин?

Менимча, агар “Жараён” бошқа бир, айтилик, маҳаллий, танилмаганроқ ижодкор қаламига мансуб асар бўлганда, айрим ...шунослар “сюжет, композиция қани, персонажлар нутқидаги индивидуаллик, мантқиқ қани, романдаги узундан-узун сафсаталар нимага керак?” каби саволларни қалаштириб, муаллифнинг бошида ёнқоқ чақаримди?

Бошқалар кўкка кўтараётган асарлар тўғрисида номақбул(роқ) мулоҳазалар билдириш ноқулай, албатта. Лекин ўз дунёқарашимдан келиб чиқиб ёзаяман бу гапларни. Умуман олганда, “Жараён” романини таҳлил қилмоқчи эмасман, балки у ҳақида мақтовларга асосан қўшилган ҳолда, баъзи мушоҳадаларимни баён этдим, холос.

Кафка ёки Жойс асарларидан қонқиш ҳосил қилмаганларни тушунмасликда айблаш ва уларга таъна тошларини отиш шарт эмасдир. Ахир Кафка кўтарган масалалардан бири инсон ҳуқуқи-ку! Китобхоннинг кимларгадир ёқмаслигини андиша қилиб, ўз фикрини, кўнглидаги гапни айтмаслиги, уни бу ҳуқуқидан маҳрум қилишга уриниш ҳам адролатдан эмас. Аслида, ранг-баранг фикр кўзғашининг ўзи асарнинг ютуқларидан бири эмасми?

Хуллас, “Жараён”, назаримда, ҳузур қилиш, маънавий озиқ олиш учун эмас (албатта, ҳамма асар шундай бўлиши шартмасдир, омади гап-да), сабр-бардошдан бел боғлаб, тишнатишга қўйиб, “ўқиш керак-да”, деган мажбурият билан ўқиладиган, омма эмас, хос китобхонларга аталган асарлар сирасидан. Шу маънода, каминанинг шахсий, нисбий мулоҳазалари ҳам ҳаммага мўлжалланмаган.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Андижон давлат университети
фахрий профессори

сида марксистик фалсафанинг таъсирини камайитириш мақсадида Беҳбудий идеалистик фалсафанинг “энг янги муваффақиятларини”, яъни неокантчилик, гегелчилик ва махизми тарғиб қилди. Шунинг учун ҳам жадидларнинг агностицизм тарафдорлари бўлганлари тасдиқий эмас”.

“Жадидлар янги услуддаги мактаблар, вақт-ли матбуот ва адабий тўғараклар (баёзлар) ёрдамида ўз буржуа идеологиясини зўр бериб ёйишга уриндилар. Бунда улар, албатта, оддий меҳнаткаш халққа муножаат қилиб, “ватан ҳақида”, “мусулмонлар маданиятининг қолоқлиги ҳақида”, “Туркистонда яшовчи ҳамма аҳолининг манфаатлари умумий эканлиги” ва ҳоказолар ҳақида гап сотдилар”.

“Жадидларнинг ҳамма ҳаракатлари бир мақсадга: меҳнаткашлар онини заҳарлашга, ишчи ва деҳқонларнинг синфий онини кучсизлантиришга, уларнинг озодлик ҳаракатини бўғишга қаратилган эди”.

“Ун тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи аср бошларида Ўзбекистонда клерикал ва буржуа-миллатчилик руҳидаги жадид оқими қарама-қарши ўлароқ прогрессив-ижтимоий фикр тараққий эта бошлади – илмий социализм гоёлари тарқала бошлади”.

Кўриниб турибдики, ўша даврда бошқа фирқа ва сиёсий кучлар жадид ҳаракатини обрўсизлантиришга, уларни одамларга “олабўжи” қилиб кўрсатишга уринган. Қоралаш жараёни ҳаракат тугатилиб, жадидлар қатагон қилинган ҳам давом этган, сохта айбловлар тарих дарслиқларига киритилган. Аммо қатагонлардан омон чиққан Машариф, Абдулла бувалар ҳали ўсмир ёшида шуурига ўрнашган жадидларнинг эзгу гоёларини умри охиригача қафдаги чўғ каби асрашган.

Ватан, озодлик, илм-маърифат тушунчалари эгизак каби ёнма-ён келади. Илм-маърифатли инсон дунёни танийди, зеҳниятига Ватан ва озодлик тушунчалари бир умрга ўрнашади. Эътиборлиси, мактабу мадрасада шарқона таълим олган, жадид қарашлари билан онги суғорилган, уларга эргашган оддий инсонлар ёвуз ниятли тузум ёпиштирган “клерикал”, “гегелчилик”, “буржуа миллатчилик”, “неокантчилик”, “махизм”... ва яна алламбало атамалар нималиги билан қизикмай дунёдан кечишиди. Улар учун Ватан ва озодлик тушунчалари таниш ва азиз, илм-маърифатга интилиш ажодларидан мерос қолганди.

Бир аср илгари жадид ҳаракати қанчалик кенг ёйилиб, юртимизнинг энг олис ҳудудларига қадар кириб бургани, сафари кун сайин ўсганининг тарихий ва илмий асослари шу оддий мисолларда ҳам яққол кўринади.

Рўзимбой ҲАСАН

Бошланиши 1-саҳифада.

Аммо уни ҳам “халқ душманининг қариндоши” деб қамоққа олишди. Мен икки бувим, тоғамнинг поляк аёли ва уч қизи билан қолдим. Аччиқ қисматим қасдигами, юрист бўлишни орзу қилганман. Мактабни тугатиб, Тошкент давлат юридик университетиға ҳужжат топширдим, лекин қабул қилишмади. Ёшим кичкиналиги, бу соҳага меҳнат стажига эга одам олинишини рўқча қилишди. Бу ростмиди, ёлғонмиди, билмайман, ҳар ҳолда, менга шундай дейишган. Кейин ўша пайтдаги Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетиға ўқишга кирдим. Бир йил ўтиб “халқ душмани”нинг қизи эканимни билиб қолишди. Ариза ёздирмоқчи бўлишди, ёзмадим. Аммо тўнғичим бетоқланиб ўқишга бора олмай қолганимдан фойдаланиб, хайдашди.

Кейин турмуш ўртоғим ҳужжатларимни Тошкент чет тиллар педагогика институтига олиб бориб топширди. Лекин ҳужжатларим ичига таржимаи ҳолимини киритмадим. Ўқийшим тугай деганда ректор қақриб, таржимаи ҳол ёзиб беришини сўради. Мен “агар уни ёзсам, сизлар мени ҳайдайсизлар, чунки



мен “халқ душмани”нинг қизиман”, деб йиғлаб юбордим. Ректор “кимнинг қизисан”, деб сўради. Фитратнинг фарзанди эканимни билгач, “Қизим, ўқийвер. Хали кўрасан, бир кун Фитратни биладилар. Мендан олишса, шу лавозимни олишар. Сени ҳимоя қиламан”, деди.

Олий таълимда ўқидим ҳам, қирқ йил ишладим ҳам. Катта ўқитувчи, декан, проректор даражасигача чиқдим. Москвада ўқиб келдим. Кейинроқ университет тавсияси билан Америка элчихонасига ишга ўтиб, у ерда ҳам йигирма тўрт йил ишладим. Икки ўғил, бир қиз кўрдим. Қизим бир умр хасталаниб яшади ва дунёни тарк этди. Ўғилларимдан бири Канадада. Каттаси – Шоаҳмад эса ёнимда.

ОДАМИЙЛИК ОЛИМИ

Фитратнинг бутун борлиги ҳислат эди. У ниҳоятда мулоҳазали, оғир, вазмин киши бўлган. У ҳақда ёдимда қолган воқеаларни кўп бор гапириб берганман.

Биз яшаган Гулистон маҳалласидаги ҳовлимиз ёнида болалар уйи бўларди. Кунларнинг бирида шу ерда роса ур-тўполон бўлди. Йигирма-ўттиз чоғли бола бир болани озғибурини қон қилиб уришди. Отам уйга келганида, кўрганларимни айтиб бердим. Билсам,

жанжал миллатчиликдан чиққан экан. Отам: “Баъзи бир одамлар миллат айиради. Ҳар доим эсингда турсин, ҳамма миллат бир. Одамлар бошқа-бошқа тилда сўзлашишлари, ҳатто эътиқодлари бошқа бўлиши мумкин. Лекин асли – одам. Ҳеч қачон миллат айирмаслик керак. Бу яхши иш эмас”, деди. Эртаси кунни бозорга бориб, патефон ва икки пластинка сотиб олди. Сўнг ўша уришган болаларни тўллаб, менга айтганларини такрор айтди ва калтакланган болага “ўртоқларинг сендан кечирим сўрашмоқчи экан”, дея мусикани кўйди. Болалар завқланиб рақсга тушишди. Отам мамлакатнинг кўзга кўринган олими эди ўша пайтда. Иши, ташвиши кўллигига қарамай, болалар қалбидан миллатчилик деган иллатни ўз вақтида бартараф этганди. Умуман, отам бу муассасага тез-тез китоб турарди, болалар билан суҳбатлашарди. Суҳбат баҳона иқтидорлиларни аниқлаб, ёнидан

тида билишади. Мен эса одабийликни ҳам бир илм кўраман. Фитрат, аввало, одабийлик илмининг устоди қомили эди.

ОНА

Бувимиз Насарбим паст бўйлик, кичкина, кўрimsизгина аёл эди. Опаларига совчи келганда ота-онаси у қизининг ўрнига буни-сини бериб юборишган экан. У пайтларда келин-куёв бир-бирини чимилдиққача кўрмаган. Бобомиз бувимга ҳеч кўнгил кўёлмаган, шунинг учун отам туғилиши билан боланиям, хотинниям ташлаб, қаёққадир кетиб қолган экан.

Бувим миқти бўлса-да, ниҳоятда вазмин ва илмли аёл эди. Тарих ва адабиётни жуда яхши биларди. Уйимизда кечки овқатдан кейин китобхонлик қилишарди. Отам китоб ўқиб, оналари давом эттирарди. Бувимнинг овозлари ҳам жуда чиройли эди. Ҳазалларни ифодали ижро қиларди. Менга подшолар ҳаётидан ҳикоялар ўқиб берарди. “Катта бўлсам, мен ҳам подшо – меҳрибон подшо бўламан”, дердим. Бувим куларди. “Ушанақа подшо бўлиш қийин. Жуда меҳрибон бўлса, подшо бўлолмайди”, дерди.

Отамнинг бу қадар маърифатли бўлиб етишишида бувимнинг хизмати катта. У кишининг бунча билимни қаердан олганини билмайман. Чунки ўзи ҳақида ҳеч гапирмас, ниҳоятда қампаган эди.

Бувимнинг ич-ичида бир додлари бор эди: “Боламан мен бадном қилдим”, дерди. Отам Бухоро мадрасасида ўқиётган чоғида директорнинг қизи ҳам ўша ерда ўқиган. Бир-бирига болаларча меҳри тушган. Улар улғайишган, мадраса директори отамни яхши кўриб куёв қилади, ўзи тўй қилиб беради. Лекин негадир эндигина фарзанд кўришганида, отамни “эътиқодсиз” деб уларни айиради. Яраштириш учун ўртага тушганларга: “Менга Худого ишонмайдиган куёв керак эмас”, деб узил-кесил гапиради. Ҳатто болани ҳам отамга кўрсатишмайди.

Анчадан кейин у аёл боласи билан бир мартагина келди бизникига. Бир кунгина туриб қайтиб кетди. Ўша пайтда отам маориф ноҳири эди. Ўшанда пул бўлган уйимизда. Бувим бу пул маорифга тегишли эканини билмаган, келинига меҳрибонлик қилиб бериб юборган. Отамни шу масала билан вазифасидан четлатишган. Бувим отамнинг бошига тушган савдоларда ўзини кўп айблади, ўша пулга тегмасам бўларкан, деб кўп изтироб чекди.

Насарбим уруш йиллари дунёдан ўтди...

ЗОДАГОНИЙ ЛАТОФАТ

Жуда-жуда кўхлик эди онам... Уни икки ўғилдан сўнг тилаб-тилаб олишган. Лекин онам туғилаётганида отаси ўпка сили билан оғир аҳволда ётган экан. Чақалоқ қиз эканини айтиб, исм қўйишни сўрашганида: “Мен кетар эканман-у, у келаркан дунёга, бу ҳам бир ҳикмати Худо. Исми Ҳикматой бўлсин”, дебди.

Онамнинг саводи йўқ эди. Мен шунчалик ўқимйишли отамнинг онамдай ҳарф танимаган аёл билан қандай яшаганига ҳалигача ҳайрон қоламан. Менимча, онамдаги ўткир фаросат ва нозик таъб отамни севинтирган.

Онамнинг ҳолаваччаси Бухоро амирининг хотини бўлган. Хон саройида уларга юриш, қийниш, овқатланиш, ўзини тутуш сирлари ўргатилган. Шунинг учун онамнинг ҳаракатлари гўзал эди. Ўқимаган бўлса ҳам, ўзини асло-далардек тутарди, чиройли гапирарди. Кўчада ким кўрса актриса деб ўйларди уни.

Онам шунчалик озода эдики, дарахтдан битта барг тушса, шуни албатта бориб оларди. Агар овқатланишга дастурхон тузса, гулдонда гул бўлиши шарт эди. Тортиладиган



идишлар ҳам бир хил бўлишига эътибор қаратарди.

Менга нисбатан ҳам жуда талабчанлик қиларди онам. Баъзан ўзи шу аёл менинг онам-икин, деб ҳам ўйлардим. Чунки ҳали бола бўлишимга қарамай кўп тергарди. Ўтирганимда, юганимда сал елкам қийшайса ҳам, қаттиқ койирди. Кўпинча иягимга қўлимни қўйиб ўтирардим, у киши эса ҳар гал уришганлари уришган эди. Ўртоқларим лой ўйнашарди, тупроқ кўчаларда оёқяланг юришарди. Уларга ҳавасим келарди. Мени бундай эркинликка қўйишмасди.

Баъзан отам ишдан келганида биз бироз кўчаларни айланиб келамиз, деб қўлига газета оларди-да, мени эргаштириб чиқиб кетарди. Дарвозадан чиқганимиздан туфлимни ечтириб, газетига ўрар, тупроқга қўйиб юборарди. Ярим соат-бир соат мазза қилиб ялангоёк юргизиб, оёқларимни ўзи билан олган латтага артиб, уйга олиб келар эди.

Эсимда, қатагон қилинганларнинг қамоққа ташланган аёллари озод этилган, онам ҳам уйга қайтди. Мени етаклаб ҳовлимизга борди. Лекин бизнинг уйимиз Тошкент шаҳрининг ўша пайтдаги бош архитектори Бакаевга берилган экан. У бизни уйга қўймади. Онам ёзда қамоққа олинган, ҳаво совиб қолгани учун юпун кийимда эди. Ҳеч бўлмаса, кийимларимни олай, деб ёлворди. Бакаев “кийим-кечагингни ҳам олиб кетишган. Ҳозирок бу ердан жўна, энди бу уй меники. Агар қорангни ўчирмасанг, милицияга бериб, сени яна турмага ташлатаман”, деди. Онам “турма”, “милиция” деган сўздан шунчалик кўрқиб қолган эдики, жон ҳолатда қўлимдан тутдилар-у, трамвай йўлигача тўхтатмай югуртириб келди.

Онам тез озод этилди, лекин унга паспортини қайтаришмади. Ҳужжатсиз яшади бечора. Саидахмад тоғамнинг уйида унинг оиласи билан яшадик. Онам 74 ёшида вафот этди.

“ОДАМИ КАЛОН”

Отам Файзулла Хўжаевникига тез-тез бориб турарди. Ҳар сафар “менам бораман”, деб эргашардим. Лекин отам унамас, “у киши одами калон”, дерди. Одами калон деганларига Файзулла Хўжаевни жуда катта гавдали одам деб ўйлардим. Бола бўлганман, вази-фаси, мавқеи катталигини тушунмаганман. У киши ўша пайтда Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида ишларкан.

Уларнинг уйи Олой бозорининг ёнида эди. Ҳовлининг ташқисиди Файзулла Хўжаев онаси билан, ичкисида укаси Ибодхўжа онаси билан яшар эди. Яъни, икки кундош аёл бир ҳовлида туришарди. Файзулла Хўжаев Москвага ўқишга борга-


нида бошқа миллатга мансуб актриса билан оила қурган. Улар қизли бўлишган. Лекин Файзулла Хўжаев Тошкентга қайтар маҳалида у аёл Ўзбекистонда театр йўқ, мен театр-сиз яшолмайман, деб келмаган. Онам ўша аёл ҳақида бир марта гапирганлари эсимда. Бироқ отам миллатчиликка ҳар доим қарши бўлганидан, “қўйгин, ким билан оила қилиш ҳар кимнинг ихтиёри”, деб бу ҳақда гапиришга қўймаганди.

Отам билан Файзулла Хўжаев ўртасида жуда чуқур ҳурмат ва яқинлик бор эди. У ота томонидан бадавлат оиладан бўлса-да, онаси фақирнинг қизи бўлган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Файзулла Хўжаев камбағалларни кўп ўйлаган, улар учун мактаблар очиш кераклигини идрок қилган бўлса керак. Унинг икки ўғли, бир қизи бор эди. Авлодлари ҳам бўлса керак, албатта. Сўнг қийинчиликлар билан бўлиб, борди-келдиларимиз узилиб кетган.

БИР СУРАТ ҲАЖРИДА

Отам оқланганидан кейин ҳозирги кунгача жуда кўп журналист келди. Мен учун гоғат қадрли бир сурат бор эди. Тоғамнинг уч қизи – Тожибар, Лайли, Гулчехра билан бирга тушган бу суратни менга КГБдан беришганди. Суратнинг орқа томонида “Дети фашистов” деб ёзилган экан. Бу ёзувни ҳар кўрганамда юрагим узиларди. Уни у ёққа чиқарамиз, бу ёққа чиқаришимиз керак, деб кимдир олди-ю, қайтиб бермади. Йўқолиб кетганига дилим оғрийди. Мабодо, қайсидир тахририят ё нашриётларнинг архивига бўлса, қайтариб беришса, 98 йиллик умримнинг энг масрур дамларини эслатгандай бўлишарди...

Баъзан маълумотларни хато эълон қилишади. Бир журналист аёл ҳаттоки, газетамга мени Фитратнинг хотини деб бериб юборган.



Қанча китоблар чикди, баъзиларида кўп хаттоликлар бор. Ахир тарих-кў, бу. Инсон ҳаётини ёзаётганда, оммага эълон қилаётганда эҳтиёт бўлиш керак.

БОБО ИЗИДАН...

Ўғлим Шоаҳмад ТошДўнинг физика факультетини ва Чет тиллар институтини тугатди. Кўп йиллар Фанлар академияси Ядро физикаси институтида ишлади. Юздан ортик илмий-публицистик мақола ёзди, таржима-лар қилди. Набирам Лайли “Умид” фондининг илк қалдирғочлари сафиди Америкада ўқиди. Эварам Мумтоз Германияда биоинформатика соҳасида таҳсил олди. Ҳозир Мьонхендаги “Isotop Technologies Munich” компаниясида IT лойиҳачиси бўлиб ишлаяпти. Лайлининг ўғли Фаррухбек Американинг Канзас университетида фаолият олиб бориб, докторлик ҳимоясига тайёрланмоқда.

Худого шукур, Фитратнинг чирोगи ўчмади.

Муҳайё РУСТАМ қизи ёзиб олди.



Ушбу QR-кодни сканерланг ва суҳбатни YouTubeда томоша қилинг.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

КОСМОСДАГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТ
Европа космик агентлиги (ESA) ўзининг иштирокчи давлатларидан келгуси уч йил учун 22 млрд евро миқдорида молиялаштиришни сўради.



Унинг бюджети сезиларли ошиши, жумладан, Европанинг космосдаги ҳарбий мавжудлигини кучайтириш зарурати билан боғлиқ. 1975 йилда фуқаролик ташиқлототи сифатида тузилган агентлик илк бор мудо-фаа лойиҳаларига мувожаат қилмоқда.




ЭКОЛОГИК ФАОЛЛАРГА ЖАРИМА
Германиянинг Ҳамбург суди “Охириги авлод” деб номланувчи радикал экологик ҳаракатнинг 10 нафар фаолидан иборат гуруҳга 2023 йил июль ойида Ҳамбург аэропорти ишини издан чиқаргани учун 403 минг евро миқдорида жарима тўлаш мажбуриятини юклади.

Агар улар бу суммани тўлай олмаса, овозлиқдан маҳрум этилиши мумкин. Даъвогар сифатида “Lufthansa” авиакомпанияси чикди.

ҲИТЛЕР ЯНА САЙЛАНАДИМИ?
Германиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Намибияда навбатдаги ҳудудий

сайловларга тайёргарлик жараёнида номзодлардан бири доимий равишда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг эътиборини тортмоқда.



Гап ҳукмрон SWAPO партиясидан Омпуңжа округининг амалдаги вакили – Адольф Ҳитлер Уунона ҳақида кетмоқда. Унинг ғалати исми доимий равишда жаҳон матбуоти эътиборини тортади.

КАСПИЙ БЎЛИНМОҚДА

Олимлар Каспий денгизи иккига ажралиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Кавказ тоғлари усишда давом этмоқда ва айнан шу тектоник фаоллик сувнинг



чекинишига таъсир кўрсатаётгани таъкидланяпти.

Озарбайжон Фанлар академияси География институти ходимларининг айтишича, Каспий денгизиди сувнинг чекиниши вақтинчалик ҳодиса эмас, балки минтақа қиё-фасини ўзгартириши мумкин бўлган кенг кўламли жараёнларнинг бир қисмидир.

ТАРМОҚЛАР ЧЕКЛОВ АРАФАСИДА



Малайзияда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш қоидаларини жиддий ўзгартиришга тайёргарлик кўриляпти.

Мамлакат ҳукумати 16 ёшга тўлмаган шахсларга ижтимоий тармоқлардан ақкаунт очишни тақиқлаш режасини эълон қилди. Янгилик 2026 йилдан кучга кириши керак.

ЯНА “ҲИНДИСТОН СИРОПИ”



Ҳиндистонда йўталга қарши сироп оқибатида камида 24 нафар бола вафот этди. “Coldrif” сиропини ичган болаларда ўткир буйрак етишмовчилиги кузатилган.

Ҳиндистон ҳукумати сироп ишлаб чиқарувчига таркибий қисмлардан бирини етказиб беришда хавфсизлик қоидалари бузилганлик эҳтимолини ўрганапти.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Машхур тарихчи ва адиб Николай Карамзиннинг тарих ҳақида шундай гапи бор: “У кафанларни юлқиб, ўликларни уйготувчи, дилларга ҳаёт қонини қуювчи, тилларга сўз бахш этувчи, кунпаякун салтанатларни қайта яратувчи, утиб кетган асрлар силсиласини бутун хаяжон атвори билан кўз ўнгимизда намоён этиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўъжизадир. Унинг маънавий қудрати ила биз барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бўламиз”.

Ҳа, биз ҳам ҳар гал қатагон қурбонлари ҳақида сўз юритаётган эканмиз, ўша даврнинг оғир нафасини юракдан ҳис қиламиз. Ноҳақ жабрланган миллатдошларимизнинг тақдирини ўйлаб қайгураемиз. Бугунги қаҳрамонимизнинг тақдири ҳам шундай қайгулидир.

Набирхўжа Саидхўжаев 1879 йили Тошкент шаҳрида диний хизматчи оиласида туғилди. Дастлаб маҳаллий мадрасада хат-савод чиқариб, билимга чанқоқлиги билан устозлар эътиборини қозонади. Иқтидори ва интилиши тенг-тўшлари қатори уни ҳам Бухоро сари бошлайди. Бу даврда Бухорода қадимчилар ва жадидлар ўртасидаги қарашлар тўқнашуви айни кескинлашган маҳал эди. Масалан, тараққиёпарвар ва маърифатпарвар муаллим, ношир, хаттот ва шоир Абдувоҳид Мунзим ўша пайтларда ўз уйида тожик тилида дарс берувчи илк усули жадид мактабининг очади. Бироқ бу хайрли иш эски тартиб тарафдори бўлган қадимчиларнинг таъйиқига учрайди. Мулла Қамар, Мулла Холмурод, Мулла Абдурасул Закун, Мулла Абдурауф каби мударрислар уламолар вакили сифатида қушбеғидан мактабни ёпишни қатъий талаб қиладди. Мактаб ёпиб қўйилса-да, жадидларнинг ғайрати заррача сўнмайди.

Уша йили иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни хорижда

ўқитишни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Тарбияий атфол” (“Болалар тарбияси”) жамияти тузилади. Жамиятнинг Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ёғдудовнда 28 та бўлинмаси бўлиб, улар амирлик ҳудудидаги иқтидорли ёшларни аниқлаб, Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишга юборар эди. Жамият таркиби Бухоро жадидларининг ёрқин намояндалари Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Рофе, Мукамал Бурҳоновдан иборат эди. Шунингдек, жамият Бухорода илк бор жадид мактабларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминловчи “Маърифат” ширкатини очади, қисқа фурсат бўлса-да, ўзбек тилида “Турон”, “Бухорои шариф” газеталарини чиқаришга муваффақ бўлади, нашрлар бутун Туркистон ўлкасида шухрат ва эътибор қозонади.

...1914 йили қадимчиларнинг уриниши билан Бухорода иккинчи марта жадид мактаблари ёпилади. Ҳукумат ва қадимчиларнинг доимий қаршилигига қарамай, Бухоро жадидлик ҳаракати 1915 йилга келиб шиддат билан ривожланиб, сиёсийлаша бошлайди. Жадидлар энди фақат маданий ислохотлар билан эмас, қонунчилик, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги, солиқларнинг тартибга солиш бўйича талаблар билан ҳам майдонга чиқади.

Набирхўжа Саидхўжаев шу муҳитда Бухорода олти йил таҳсил олади. Ёш зиёли сифатида жадидлар ҳаракатини шахсан қўзатади. Илм қиймати, дунёвий фанларнинг аҳамияти, жамиятни таълим билан ислох қилиш зарурлиги ҳақидаги баҳсу мунозараларга гувоҳ бўлади. Таъқиблар натижасида мактаблар ёпилиб, газета нашрлари тўхтатилган бўлса-да, жадидларнинг таълим ислоҳидан чекинмай,

янада олға интилиши қаҳрамонимизда мактаб очиш истагини пайдо қилади. У Тошкентга қайтиб, Қорғонди маҳалласида мактаб очади ва 1916–1921 йилларда ўқитувчилик қилади. Бу пайтда қаҳрамонимиз момоси билан яшар, ота-онаси ва-



Набирхўжа Саидхўжаев (1879–1937)

фот этган эди.

Тошкентдаги фаолияти уни дин арбоби ва маърифий шахс сифатида элга танитади. 1921–1928 йилларда Қорғонди масжидида имомлик қилади, Марказий диний мадрасалар бошқармасига қарашли Хўжа Ахрор ва Эшонкул мадрасаларида дарс беради. Билим доираси кенглиги, ўзбек, араб ва форс тилларини мукамал билиши боис, таълим соҳасида обрўси ошиб боради. 1928–1931 йилларда Валихожи ва Шайх Зайнуддин ота масжидларида имомлик қилади. Шу билан бирга, бўш вақтини турли жамоат ишларига бағишлаб, “Туркистон илаги” ташкилоти боғида хизмат қилади.

Советлар замонида диний уламоларга айниқса қийин бўлгани тарихдан яхши маълум. Бу ҳақда тарихчи олимлардан бири шундай ёзади: “1928 йилдан мамлакат бўйлаб “худосизлар” жамиятлари ташкил топиб, барча диний муас-

сасаларга аёвсиз ҳужум бошланди. Дин пешволари – муфтилар, имом хатиблар, қорилар, бошқа улғу зотлар, шунингдек, шажарали саййидлар авлодлари фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилди ва қаттиқ таъқиб остига олинди. Мол-мулки тортиб олиниб, ўзлари узоқ ўлкаларга бадарға қилинди”.

Уша даврда имомлик кўп жиҳатдан жамоат қўллаб-қувватловига суянган бўлса-да, терговларнинг бирида Саидхўжаев “аҳоли томонидан ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатилмасдан ҳам, Абназир маҳалласидаги масжидда хатиблик қилгани” ҳақида билдиради. Қўриниб турибдики, қаҳрамонимиз бу вазифани маънавий масъулият сифатида қабул қилган. Шу боис, унинг халқ орасида ҳурмати ошиб, эътибори кучайиб борган. Аҳолининг унга ишончи баян бўлган бир пайтда, 1936 йилнинг ёзида унинг “аҳоли қуну тун ишласа ҳам ўзини нон билан таъминлай олмапти”, деган сўзи расмий идоралар томонидан иқтисодий вазият танглиги борасидаги мулоҳаза эмас, давлат сиёсатиға қарши чиқиш сифатида талқин қилинади. Шундан сўнг, унинг фаолияти жиддий қўзатув остиға олинади.

1937 йил 7 августда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлим вакили Мусин томонидан тузилган айблов ҳужжатларида унга “йирик эшоннинг ўғли”, “имомхатиб сифатида кенг таъсирга эга”, шунингдек, “Хитойнинг Ёулжа шаҳридаги Шайх Зайнуддин ота қабристонига минглаб киши қатнашган оммавий йиғинлар ўтказган” деган айблар қўйилган. Шу тариқа таъйиқ ва босимлар кучайиб, Саидхўжаев 1937 йил 9 август кунини ҳибсга олинади. Шу билан унинг “иш”и “сиёсий хавфли шахс” сифатида тергов ихтиёриға ўтади. Аслида, Саидхўжаевнинг боши-

ға тушган бу қулфат ўша йилларда бутун мамлакат бўйича ёйилиб кетган қатагон тўлқинининг бир қисми эди. “Қатагон қурбонлари” китобида (“Шарқ” нашриёти, 2-жилд, 2007 йил) келтирилган қуйидаги маълумотлар ҳам ўша даврнинг қаттол сиёсати, халқ бошиға тушган фожиали жараёнларни яққол очиб беради: 1937 йил 14 октябрда Давлат хавфсизлиги лейтенанти Яковлев имзолаган 24-сонли баённома асосида 182 киши отувга, етти киши 8–10 йиллик меҳнат-тузатув лагерларига ҳукм қилинган, фақатгина 1 нафар кишини қамокдан озод этишга қарор қилинган. Қатагонга учраганлар таркибига назар ташлаймиз: 101 собиқ “қулак”, 3 нафар ўртаҳол аҳоли вакили, 30 нафар имом, эшон, қори ва домла, 3 нафар ишчи ҳамда 33 нафар хизматчи ва раҳбар ходим...

Мана шу 182 нафар шахс орасида 4574-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган Набирхўжа Саидхўжаевнинг ҳам номи бор эдики, бу ҳол унинг тақдирини умумий фожиа билан боғлайди. Афсуски, Набирхўжа Саидхўжаев ҳақидаги маълумотлар йиллар давомида махфий архивларда сақланиб келгани боис кенг илмий муҳокама-ларга киритилмай қолди.

Қадимги юнон тарихчиси Полибий: “Ўтмишни билиш бошқа ҳар қандай фанлардан кўра кишиларга тезроқ фойда келтириши мумкин, тарихдан олинган сабоқлар маърифатга борадиган энг тўғри йўлдир”, деб бежиз таъкидламаган. Набирхўжа Саидхўжаев сингари фидойи инсонлар ўз ҳаёт йўли билан бизга мудом сабоқ беради. Бинобарин, тарихга назар ташлаш орқали ўзимизни, ўзлгимизни теран англай бошлаймиз.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Эргаш Йўлдошев (Шавқий) – 1910 йили Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Ёшлар иттифоқининг собиқ аъзоси, ҳибсга олинишидан аввал Тошкентнинг Себзор қисмида истиқомат қилган. Машхур шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг советларга қарши руҳда ёзган шеърлари муҳлиси бўлган Эргаш Йўлдошевнинг ўзи ҳам шеърлар битган. 1929 йил декабрида “Туркистонни озод қилиш жамияти”ни ташкил этишда фаол иштирок этган, советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда айбланиб 1930 йил 17 октябрда ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси)нинг Ўрта Осиё “учлиги” қарори билан 5 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Мўҳсид Сиддиқов – 1912 йил Тошкентда савдогар оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек, партиясиз. 1929-1930 йилларда Ленин номидаги мактабда ўқиган. Ҳибсга олинувнга қадар Қўлча маҳалласи, Сақичмон кўчаси 15-уйда яшаган. Акаси Санжар Сиддиқовнинг ғоявий, сиёсий таъсири остида “Туркистонни озод қилиш жамияти”ни ташкил этишда қатнашганлиқда айбланиб, 1930 йил 17 октябрда Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги “учлиги” қарори билан 3 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Нигматулла Нуриддинов – 1910 йилда Тошкентда табиб оиласида туғилган. Ленин мактабини тамомлаган. “Туркистонни озод қилиш жамияти”га асос солганлиқда ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, 1930 йил 17 октябрда Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги “учлиги” қарори билан 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1937 йил 14 августда Ички ишлар халқ комиссарлиги қўшидаги “учлик”нинг қарори билан ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-банди бўйича айбланиб, 10 йил Волга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Маъсуд Муродов – 1912 йил Тошкентда мударрис оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Ҳибсга олинишидан аввал топография курслари тингловчиси, 1929-1930 йилларгача Ленин номидаги мактаб ўқувчиси бўлган. Аксил-инқилобий миллатчи ташкилотнинг фаол иштирокчиси бўлганлиқда, отаси Муродхўжа Солихий таъсири остида “Туркистонни озод қилиш жамияти”га асос солганлиқда, “Фарёд” номли советларга қарши рўзнома тарқатганлиқда айбланиб 1930 йил 17 октябрда Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг Ўрта Осиёдаги “учлиги” қарори билан 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

Ёқубжон Исакулов – 1885 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1908 йилгача мактаб ва мадрасада ўқиган. 1908 йили Янгиариқ пахта тозалаш заводида ишчи, сўнгра моддий ёрдамчи бўлиб хизмат қилган. 1916 йилги миллий озодлик кўзғолонида фаол қатнашган. 1917 йил февраль инқилоби даврида жамоат хавфсизлик комитети аъзоси ҳисобланган. 1918 йил 27 июнда Андижон эски шаҳар мусулмон коммунистлари фирқаси аъзоси, чорикорлар иттифоқининг раиси, 1918 йилдан мусулмон депутатлари Шўроси раиси ўринбосари бўлган. 1919 йил 16 октябрда уезд-шаҳар партия комитети раиси ўринбосари ва кейинчалик раиси, шунингдек, эски шаҳар партия комитети раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 1922-1923 йилларда Андижон уезд буйича пахта ва бошқа деҳқончилик экинлари экиш кампаниясига раҳбарлик қилади. 1924 йил 28 февралдан Туркистон пахтачилик қўмитаси раиси буйруғи билан Андижондаги 20-сон пахта тозалаш заводиға директор этиб тайинланади. 1926 йили 6 майда Самарқандда ҳибсга олинган. Шу йил 25-26 май кунлари пойтахт Самарқандга, республика ГПУсига юборилади. 1927 йили 1 мартда Охунбобоев номидаги театр биносига суд қилинади. Судда Ёқубжон Исакулов отувга ҳукм қилинган. Ушанда у эндиғина 46 ёши қаршилаганди.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси
(Давоми келгуси сонда).

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу тариқа, 1917 йил 12 ноябрда Тошкентда турли мусулмон фирқалари ва уюмларининг бирлашган маслаҳат қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой “Ҳокимиятнинг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари совети қўлига ўтиши муносабати билан Туркистон ўлка мусулмонлари съезди бутун Туркистоннинг тўқсон саккиз фоизини ташкил қилувчи ўн миллион жон мусулмонлар Россия инқилоби ваъда этган озодлик, тенглик ва биродарлик асосида миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга деб топади”, деган мазмунда қарор қабул қилади. Шундан сўнг, Туркистон ўлкасида мухтор ҳукумат барпо этиш ҳаракати бошланиб кетади.

Бироқ юқори идораларида бирор-та маҳаллий миллат вакили бўлмаган Тошкентдаги шахри азимда большевикларнинг таъсири кучли эди. Шу сабабли, эрксевар кучларнинг нигоҳи Хўқандга – бир вақтлар йирик бир хонлик пойтахти бўлиб турган, 600 дан зиёд масжид, 60 дан ортиқ мадраса, 6 та марказий бозор, ўнлаб тармоқ бозорлар, 30 дан ошiqк саноат корхонаси, ўнлаб банк, савдо уйлари, ширкат ва молиявий уюмлар, энг асосий божхона жойлашган, темир йўллар чорраҳаси ҳисоблан-



яратган, аҳоли нуфуси юз мингдан ошган Хўқанди латифга қаратилди.

1917 йил 26 ноябрда Хўқанднинг Пахта биржаси (эски театр, ҳозирги мусиқа мактаби ўрнида) биносиди

ўлка мусулмонларининг тўртинчи фавқуллода съезди бўлиб ўтди.

Съездда пойтахти Хўқанд бўлган Туркистон мухтор ҳукумати ташкил топгани эълон қилинди. Мухторият идораси Туркистон халқ бошқаруви (54 киши), Туркистон вақтли Кенгаши

(32 киши) ва ҳукумат (45 киши)дан иборат деб белгиланди. Бу оламшумул (ҳа, оламшумул, зеро, у дунёда биринчи мухторият ҳукумати эди) воқеаға бағишлаб шоирларимиз томонларидан бир қанча таърихлар ёзилди.

Мазкур таърихлар Туркистон Мухторияти тузилгани ҳақида қуйидаги эълон – варақанинг ҳошияларига битилган эди:

“ЯШАСУН ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ!

Туркистон мусулмонларининг дўртунчи фавқуллода қурултойи Туркистон ўлкасида бўлгон халқларнинг хоҳишлари бўйинча буюк Русия инқилоби тарафидан берилган асосларга биноан федератсия асосига қурулгон Русия Жумҳурияти ила бирликда қолғони ҳолда, Туркистонни ерлик мухториятгли, яъни территориялий афдунумиялик эълон қиладур. Бу мухториятнинг на суратда вужудға қўйилмоғини яқин орада йўғиладургон Умумтуркистон халқининг Учридителний Собраниясига (Туркистон Мажлиси мусулмони)ға тобушурадур.



Муҳаммад ЯХҲОН ХҲҲАНДИЙ,
Қўқон давлат музей қўриқхонаси илмий ходими

Шунинг ила баробар, Туркистон ўлкасида озчиликни ташкил қилгон миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақланилмоғини ҳам тантанали суратда баён этадур.

Шаҳри Хўқанд. Ҳижрия 1336, сана 25 сафар ал хайрия, милодий 1917 йил 27 нўябр”.

Қуйида Туркистон Мухториятининг ташкил топиши муносабати билан битилган таърихлардан намуна келтирамиз.

Шаҳар халқи ул қуни озодлик байроқини Кўрсатиб жамъ бўлдилар, онларда йўқ ҳадди ҳисоб. Жомеи Жаннатмаконда Ҳаққа айлаб илтижо, Такбир айтиб қўб дуолар қилди, бўлғай мустажоб.

Аълами Чустийи Саъдий ном тахаллусим мани, Янги давлат ибтидосин айладим назми китоб. Маркази Фарғона бу давлат била бўлғай рафиъ, Лафзидин таърих олинди, бўлди беранжу ҳисоб.

Истадим пири хираддин янги давлат таърихин, Зоҳир ўлғуси деюб, Фарғонадин берди жавоб.

Саъдуллоҳон Аълам ашъоридаги таърих моддаси “Фарғонадин берди жавоб” жумласидадир. Яъни, абжад ҳисоби билан ҳижрий 1336 сана (милодий 1917) келиб чиқади.

ТУРКИСТОНДА ЯНГИ ДАВЛАТНИ ИБТИДОИ ЗУҲУРИҒА ТАЪРИХ

Чустлик Домулло Саъдуллоҳон Аъламдан

Уйғонинг аҳбоблар, то чанд ўлурсиз масти хоб, Кўрсатур Ҳақ охири бедорға роҳи савоб. Етди бир айём Ҳақ инъомидин Фарғонаға Қилгон эрди дабири оқил ҳарғиз китоб.

Тобқуси оройиш – у тазмин ила қўб интизом, Одатан обод бўлур ҳар мулкким, бўлди хароб. Бўлди Туркистон элидин муслимин жамъияти Ҳар бири Туронзамин арбобидин бир интихоб.

Марказ Фарғона, дорулмулки Хўқанди латиф, Ул жамоат ақлидин тобти зиё-и офтоб. Ройизан бўлди ҳама бу мулкни тадбири учун Кайқубод ўрнига қўймоқчи бу кун Афросиёб.

Дониши арбоб савол айлади ҳар бобдин, Бир тарафдин раҳм эли айтур эди рангин жавоб.

Мустабид шоҳи муваққат азлини сўйлар хатиб, Янги давлатни асосидин қилур эрди хитоб.

Бор эдим ман ҳам ўшал мажлисда бир курсинишин, Бир жамоатдин бўлуб эрдим у кун ноиб маоб. Мажлиси сарғарм нотиклар бари ширин мақол, Элни ҳайратға солур бу касрати баҳсу жавоб.

Афтўнумия ароға солдилар эълонини, Учр. собранийя мустаҳкам қилур ҳозо жавоб. Иттифоқ ўлди ҳама мажлис эли берди қарор, Ерли Мухториятиға учр.да бир сўз жавоб.

Ушбу ижмои саодат тавоми матлубимиз Қўлға келғуси дурур, валлоҳи аълам биссавоб. Хатми мажлис ояти Қуръон ила тобти камол, Бўлғумиз Аллоҳи акбар бу мақосидға мужоб.




МУШОҲАДА

Инсон зоти борки, ўз олдига ёруғ мақсадлар қўйиб яшайди, уларга эришиш учун мудом ҳаракатда бўлади. Шундай эзгу орзу-ниятлардан бири – фарзанд камолини кўришдир. Афсуски, бугунги кунда бу орзуни тўй-ҳашам, дангиллама иморат, турли русумдаги автомашиналар билан боғлаб тушунадиган, шу мақсадда олиб-югурадиган авлодга айландик. Кимўзарга тўй қилиш, етти маҳаллага донғи етадиган маъракалар ўтказишни гўёки қадриятга, аъъанага айлантирдик.

Маълумот ўрнида: Республика Маънавият ва маърифат марказининг таҳлилига асосан, юртимиздаги тўйхоналарга сарфланадиган ўртача йиллик ҳаражат тахминан 2 миллиард 383 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Минг афсуски, бир кунлик орзу-ҳавас, икки соатлик тўйни деб йиллар давомида тўплаган бойликдан бир кунда махрум бўлмоқдамиз. Ёки тўйга олинган банк кредитини йиллаб тўлаш учун мусофир бўлиб ишлаш, ҳаловатдан кечиш каби чорасизликни ўз хоҳишимиз билан зиммасизга олмоқдамиз. Ачинарлиси, дабдаба-бозлик, катта сарф-ҳаражат ёшларга бахт-омад олиб келади, саодат кафили бўлади, деган ақида шакллана бошлади.

Бу билан биз ўтмиш хатоларини кўр-кўрона такрорляпмиз. Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнографияси, хусусан, ўзбек тўй-маросимлари учун қилинаётган сарф-ҳаражатларнинг таҳлили билан шуғулланган таникли тадқиқотчи олимлардан бири О.Сухарева шундай ёзади: “Бугунги кунда тизимли равишда давом этиб келаётган маросимларга жуда кўп миқдорда пул сарфланиши нафақат оила, балки



бутун жамиятнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда, шу сабабли, бу сарфлар – иррационалдор (яъни тушунарсиз)”.
Йўқ, бундай давом этиб бўлмайди!

Биз, ўз фойда-зарарини биладиган, уни фарқлайдиган онгли мавжудот-миз, ахир! Шундай экан, неча-неча юз йилдан буён оёғимизга тушов бўлиб келаётган иллатлардан, сохта “қадриятлар”дан воз кечишимиз шарт!

Яқинда ушбу масалага бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Очiq фикрлар, аччиқ танбех ва танқидларга бой руҳда ўтган йиғилишда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов давлатимиз раҳбарининг бу масаладаги уй-фикрлари, ташвишларини етказаркан, бундай иллатларга қатъиян чек қўйиш вақти келгани, бунинг учун барчамиз бирлашишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинар сўнггида барча тақлиф, ташаббус ва тавсиялар асосида манфаатдор идоралар ҳамкорлигида умуммиллий дастур режасини ишлаб чиқиш, шу юрт, шу миллат ва жонажон Ватан равнақи учун бефарқ бўлмаган зиёлилар, “Маърифат” тарғиботчилари, адабиёт ва санъат аҳли ҳамда турли соҳа ходимларини бирлаштирган катта бир маърифат карвони сафарбар этилиши назарда тутилди. Улар муҳтарам Президентимизнинг эзгу ғояларини тарғиб этиш орқали халқимиз қалбига кириб боришни ўз олдларига олий мақсад этиб қўйганлар.

“Тежоглининг иши бежоглик” деб бежиз айтилмаган. Бугун жамиятимизда кимўзарга айланаётган дабдабозлик, аслида, миллатнинг иқтисодий салоҳиятига соя солади. Иқтисодиётнинг ўзига ҳам қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмаслик мушкул вазиятга, яъни фақирликка олиб келиши


тайин. Уларни менсимаслик эса, нафақат иқтисодий салоҳиятнинг етишмаслиги, балки маънавий қашшоқлик белгиси ҳам ҳисобланади.

Бугун ёш авлодга уни қил, бун қилма, деб эмас, балки уларга маънавият ва моддият борасида тўғри йўлларни кўрсатиш барчамиз учун ҳам фойдали, ҳам зарурдир.

Масалан, амалдаги “Уй-жой сойтиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби”ни олайлик. Унга кўра, давлат субсидияси ёрдамида уй-жой сойтиб олишга ариза юборган фуқаронинг шарт-шароитлари амалдаги тартиб талабларига мос келса, талабгорга субсидия хабарномаси берилади. Ушбу хабарнома асосида талабгор шарт-шароитлари амалдаги тартиб талабларига мос келса, талабгорга субсидия хабарномаси берилади. Ушбу хабарнома асосида талабгор шарт-шароитлари амалдаги тартиб талабларига мос келса, талабгорга субсидия хабарномаси берилади.

Масалан, амалдаги “Уй-жой сойтиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби”ни олайлик. Унга кўра, давлат субсидияси ёрдамида уй-жой сойтиб олишга ариза юборган фуқаронинг шарт-шароитлари амалдаги тартиб талабларига мос келса, талабгорга субсидия хабарномаси берилади. Ушбу хабарнома асосида талабгор шарт-шароитлари амалдаги тартиб талабларига мос келса, талабгорга субсидия хабарномаси берилади.

ТИЛБИЛИМ



ҚАЛИН ПУЛИ

Қалин пули – уч минг. Минг – қизи учун. Яна минг – сандиғи, кийгизи учун. Хўш, яна минг нега? Ҳар лаҳза сенга Санчиб турадиган бигизи учун.

Эркин Воҳидовнинг ҳазил тариқасида ёзилган ушбу тўртлиги минг йиллик тарихга эга бўлган бир аъъана-ни эслатади. Қалин пули, яъни никоҳ маросимида қиз учун куёв томонидан бериладиган мол-мулк ёки пул. Қалин пули қадимий туркий халқларда энг муҳим никоҳ урф-одатларидан бири сифатида шаклланган. Нег айна қалин пули? Сўзнинг қалин сифатига бирор дахли борми?

“Девони луғатит турк” китобида қалин шаклида учраб, сеп, қалин пули тарзида изоҳланади. Англашиладики, бу сўз узоқ йиллик тарихга эга. Ўзбек тилининг этимологик луғатида ҳам қалин – никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган мол, пул деб келтирилган. Қалин/қалин сўзи қадимги туркий тилдаги қал-қали феълидан ҳосил бўлиб, “қўтаришмоқ” маъносини билдиради. Эҳтимол бу сўз қиз қадрининг қўтарилиши, келиннинг жамиятдаги мавқеи юксалиши ва куёв томонидан кўрсатилган эътибор билан бевосита боғлиқдир.

Ўрхун-Энасой битикларида ҳам қалин пули бериш аъъанаси мавжудлиги қайд этилган. Бу эса қадимги туркий халқларда никоҳ, оила ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда қалин пулининг ўрни борлигини кўрсатади.

Қаллиқ сўзи ҳам қалин сўзига бегона эмас. Ҳозирги ўзбек тилида қаллиқ сўзини бўлажак келинга ҳам, куёвга ҳам ишлатишади. Лекин бу тўғри эмас. Авваллари унаштирилган қиз “қалинлик” деб аталган экан. Қалин сўзига -лик қўшимчаси қўшилиб, қалинлик – қалин тўланган деган маънони англатган. Давр ўтиши билан бу сўз қаллиқ шаклини олган. Семантик жараёнлар натижасида эса сўзнинг асос ва қўшимчадан ясалганлиги унутилиб, яхлит сўз сифатида кўри-ла бошлаган. Қайлиқ сўзи ҳам худди шу маънодаги сўзнинг сал бошқача шакли. Демак, қалинлик сўзи фақат фонетик жиҳатидан эмас, семантик жиҳатидан ҳам бироз ўзгаришга учраган.

Қалин, қалинликдан келиб чиққан қаллиқ, қайлиқ сўзлари этимологиясига бир назар ташлашнинг ўзиёқ тил тарихининг мураккаб жараён эканини яққол кўрсатади. Сўзлар шаклан бироз ўзгарган бўлса-да, уларнинг туб замирида қадимий туркий халқларнинг никоҳ қадриятлари яшаб келмоқда.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА

ТАҚДИМОТ

Куни кеча Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида бир вақтнинг ўзида XX асрнинг 20-йилларида Германияга ўқишга юборилган, кейинчалик қатағонга учраган ватандошимиз Марям Султонмуродованинг ҳаёт йўли ва аянчли қисмати ҳақидаги “Матонатли Марям” номи бадий-публицистик фильмининг илк умуммиллий тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар ишлари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон Маҳаллалари уюмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Фильм намоиши 25 ноябрь – Хотин-қизларга нисбатан зўравонлиқни бартараф этиш халқаро кунини муносабати билан ўтказилаётган 16 кунлик глобал акция доирасида ташкил этилиб, аёллар ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрнига оид масалаларда жамоатчилик эътиборини оширишга қаратилган.

ҲАЖВ

Ёшлик – тентаклиқнинг бир тури, демиш машойихлар. Камина ҳам бу инқирозни четлаб ўтиш имкони бўлмай, ақл танқислигидан бир муддат етим юмрон каби хирмону шийпонларда тунаб, қўб хўрликлар кўргоним бор. Эмди ул кўргуликларга “зед” авлод йўлиқмасун дебон, ушбу пандномани ҳавола этурман.

Ҳайф, юз минг ҳайф кетди Лайлони кутгон кунларим, Кўнгли бўш маъшуқа деб кўзёшни ютгон кунларим.

Кечалар уйқум қочиб, юлдуз санаб то тонггача, Алаҳ-алаҳ оёқ бирла шолчунотгон кунларим.

Яна ҳайф, сирдош тилаб, Солим парангни топгоним, Ҳам илмими хўр айлабон “Портвейн” тортгон кунларим.

Ул балохўр маст бўлиб, шалпайса гар шудгор аро, Моллавлaги каби, афсус, пайкалда ётгон кунларим.

Зое кетди улпатимни елкалаб элтгонларим, Бош била қоқиб эшик, ёрин уйғотгон кунларим.

Холис хизматим ҳаққига хотинидан қарғиш олиб, Солимга беш, Лайлога ўн қайғуга ботгон кунларим.


Лайло эрга тегди-кетди, Солим ичишни ташлади, Ёрсиз ҳам бодасиз** ўзни йўқотгон кунларим.

Кулгиму ўлгим келар эсга тушарса ўша пайт, Насияга май бермаса ким, муштар отгон кунларим.

Майпурушни(нг) қизин олдим, тинчиди жоним маним, Ибрат ўлсин сизга, Саттор, йўлни йўқотгон кунларим.

Саттор СУРОБ

Қас ойини бешинчисида эски ҳаммом муолишида бебалдоқ пақир кўтарган рўдапо Лайлога кўзим тушиб, эски севгимга қалбим ачиб, кўзёшим абри найсон бўлиб, симёгочга суяниб ёзиб қўйдим.

МАТОНАТЛИ
МАРЯМ
ҚИССАСИ

Айтиш жоизки, фильм премьерасида қатнашган томошабинларнинг аксарияти ёшлар бўлди. Эътиборлиси, постановкачи режиссёр Умрбек Рўзимовнинг ўзи ҳам 23 ёш бўлиб, ушбу картина устидан уч йил ишлаганини таъкидлади. Демак, ёшлар нигоҳи билан суратга олинган санъат асари ёш аудиторияга сингиши осон кечади.

Томошадан сўнг янграган қарсаклар фильм ижодкорлари: сценарий муаллифлари Рўзбой Қўлматов, Шойим Бўтаев, постановкачи оператор Дилмурод Турдубоев, расм Жамшидбек Махсумов, фильм бадий раҳбари ва продюсерлар

кўзлаган мақсадларига эришганларидан далолатдир.

Бош роллар ижрочилари Дилноза Кубаева, Диёра Олимова, Бехзод Шойматов, Улмас Темур, Бобур Айтмағамбетов ва бошқаларнинг маҳоратини таъкидлаш ўринли.

Ўзбек аёлининг сабр-бардоши, матонати, меҳр-муҳаббати, илмпарварлиги, ҳалоллиги, болажонлиги ва номуси ҳақидаги мазкур фильм олтин фондимиждан муносиб ўрин топишига ишонамиз.

Г. ФАЙЗИЕВА

КҮНЛАРИМ



* Йўқсулларни тинчитмакка қасддан ўйлаб топилган арзон шароб тури.

** Машраб бобога ишора.

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 761

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 119

Лотин ёзувида – 11 642

Медиа кузатувчилар – 68 475

Буюртма: Г – 1139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навобий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz